Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 9 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 28 (6924)

Da'vat

Китоб (битик) — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму фаннинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

Амир ТЕМУР.

Ibrat

Термиз туманидаги Бобур номли урта мактаб жамоаси яхши бир ташаббусга қул урди. Улар қайрағоч ва бошқа манзарали дарахт кўчатларини ўстирдилар. Кўчатларни сотишдан эса мактаб ғазнасига 150 минг сум нақд пул тушди.

Ijro

МИЛЛИЙ ДАСТУР ТУЗИШ ЙЎЛИДА

Сирдарё педагогика билим юртида урта махсус педагогика ўқув юртлари директорлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Кенгашда халқ таълими вазирининг муовини Х. Маъсудов «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш тўғрисида»ги фармойиш ижроси юзасидан педагогика ўқув юрти раҳбарларининг вазифалари ҳақида маъруза қилди. Маърузада урта махсус педагогика ўқув юртларининг фаолиятини ҳам тубдан ислоҳ қилиш вақти етганлиги, бу борада махсус комиссия тузилганлиги, унинг фаолияти ҳақида сўз юритилди. Миллий дастурни яратишда халқ таълими ходимлари, айниқса, педагогика ўқув юрти ўқитувчилари фаол иштирок этишлари кераклиги таъкидланди. Дастурни яратиш, уни умумхалқ муҳокамасидан ўтказишда фаол иштирок этиш алоҳида қайд этилди. Шунингдек, кенгашда ўқув юртларида таълим мазмунини яхшилаш борасидаги вазифалар, 1996 йил ёш мутахассисларнинг ишга жойлашгани якунлари ва 1997 йилда битирувчилар тақсимоти педагогика ўқув юртларининг фан дастурлари билан таъминлаш ҳақидаги масалалар ҳам кўрилди.

Кенгашда ўқув юртларини бюджетдан ташқари маблағ топиш ва ўқув жараёнида ундан фойдаланиш ҳақида Наманган, Шаҳрисабз педагогика билим юртлари, Бухоро ва Тошкент индустриал педагогика техникумлари директорлари ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Сирдарё педагогика билим юрти спортчиларининг қизиқарли чиқишлари, қозоқ гуруҳи талабаларининг тадбирлари, «Бир шода марварид», «Темур ва темурийлар ҳаёти», «Жаннат оналар оёғи остида» мавзуларида ўтказилган дарслар ҳамда тарбиявий соатлар кенгаш иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

М. ИСМОИЛОВА.

«Амир Темур ҳаётномаси»
3-бетга қаранг.

JUMLADA JAHON

⊛ **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида журналистларни қайта тайёрлаш халқаро ижтимоий марказининг таъсис йиғилиши бўлди.**

⊛ **Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида АҚШ Адлия вазирлиги, элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан гиёҳванд моддаларга қарши курашни ташкил этиш мавзусида семинар-машғулот ўтказилди.**

⊛ **Япония ушбу минтақада ўзининг асосий ҳамкори деб билган Озарбайжон Республикасига беш миллион АҚШ доллари миқдорида грант бериш ниятида.**

⊛ **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари комиссиясининг келгуси ҳафтада Женевада бўладиган анжуманига Дания Хитойда Инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисидаги қарор лойиҳасини тақдим этмоқчи.**

⊛ **Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Комиссияси ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилишида суд ислоҳотини чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш борасида белгиланган тадбирлар бажарилишининг бориши кўриб чиқилди.**

⊛ **Мустақиллик байрамини муносиб нишонлаш учун тайёргарликни ҳозирдан бошлаш кераклигини инобатга олишиб, ёзувчилар, бастакорлар уюшмалари, Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академия, «Ўзбекнаво» вакиллари олдинда турган вазифалар хусусида маслаҳатлашиб олишди.**

ЁЗМА ҲАРФЛАРНИНГ ТУТАШТИРИЛИШИ 2, 3-бетлар.

«ТАҚДИРИНГНИ ЁЗОЛМАЙМАН» 4-бет.

Fikr va mulohaza

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ БОШЛАНҒИЧ ВАЗИФАЛАРИ

Бошланғич таълимнинг мазмуни қандай бўлмоғи лозим? Янгиланган таълим мазмунини қандай методлар билан ўргатиш мумкин? Бу саволлар ҳозир педагогика фани ва халқ маорифи олдида қоядек турибди. Айримлар бу масаланинг ечимини билим, кўникма ва малаканинг уйғунлигида деб тушунсалар, айримлари эса ўқитувчиларнинг ақлий имконияти ва қобилиятининг ривожланишида деб биладилар.

Биздаги бошланғич мактабнинг вазифаси — биринчидан, замон талабидан келиб чиқиб, фан асосларидан илмий билимлар бериш билан бирга бозор иқтисоди, брокерлик, мененжерлик касблари ҳақида тушунчалар бериш, чет тилларни ўргатиш ҳамда энг аввало ўқитилаётган барча фанлар орқали маданиятимиз, тарихимиз, миллий қадриятларимиз ҳақида ўқувчиларга тушунчалар беришни назарда тутишдир. Учинчидан, анъанавий дарслар билан бирга ҳозир тажрибага сингиб кетаётган ноанъанавий дарс шаклларидан (дидактик ўйин, экскурсия, баҳслар) ҳам унумли фойдаланишдир. Албатта, бу масалаларни ҳал этиш ўқитувчининг билимига, маҳоратига боғлиқ. Шундай экан, педагогика институтларида ўқитувчиларни тайёрлаш масаласига жиддий эътибор бериш керак деб ўйлайман. Аввало талабаларни ўқитиш методлари ва шаклларини ўзгартириш вақти етди. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўқитиш билан бирга, ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш, яъни талабалар билан якка-якка ишлар олиб бориш, ўқув фаолиятига мустақил тус бериш, касбий маҳорат асосларини мустақил эгаллаш учун имкониятлар яратиш, оқибат натижада бутун таълим-тарбия жараёнига ижодкорлик, изланувчанлик тусини бериш лозимга ўхшайди.

Талабалар ўқишининг биринчи кунидан бошлабоқ мактаб, синф билан танишсин, ўқувчилар билан мулоқотда бўлсин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, педамалиёт вақтида талабалар ўқитувчи сифатида яхши дарс беришлари билан бир қаторда, болаларнинг бўш вақтини ташкил этишда, синфдан ташқари тарбиявий тадбирлар ўтказишда қийналишмоқда. Бу узлуксиз педагогик амалиётнинг вақт жиҳатидан чегаралганлигидан, мактаб билан яқиндан алоқа етарли эмаслигидан далолат беради. Маълумки, педагогик касбга йўналтириш, бу касбга муҳаббат уйғотиш, бу касбнинг сирасрорлари билан талабаларни таништириш, психология фанини ўқитиш жараёнида амалга оширилади. Шундай экан, бундай фанларни ўқитишга жиддий эътибор бериш ва айниқса, методик фанларга иложи бўлса соатларни ошириш, ўқув режасида ажратилган соатларни яна бир ўйлаб кўриш лозимга ўхшайди.

Институтни битириб чиққан ҳар бир талаба яхши мутахассис бўлавермайди, бунинг учун шу касбга майли бор, лаёқатли ўспиринларни ўқишга қабул қилиш лозим. Бир вақтлар мактабнинг педагогик кенгашлари тавсияси билан институтларга тала-

(Давоми 3-бетда).

9 МИНГ ЙИЛЛИК АВЛОД

Буюк Британиянинг Сомерсет графлигидаги Чеддор ғоридан топилган суяклар 9 минг йил олдин яшаб ўтган одамга тегишли бўлиб, Лондон табиат музейида 1903 йилдан бери сақланарди. Қизиғи шундаки, олимларнинг маҳаллий аҳоли ўртасида ўтказган генетик тадқиқотлари натижасида тарих ўқитувчиси Адриан Таргетт ана шу қадимги овчининг авлоди деб топилди. Суяк ҳужайрасидаги ДНК ахбороти муаллимнинг генетик кодига мос тушибди.

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

ИГНАЛИ ДАВО ТАРИХИ

Хитойлик тадқиқотчилар 1000 йил муқаддам ёзилган китоблардан игна билан даволашнинг муфассал баёнини ўқиб чиқдилар. Унутилиб кетган даво нуқталари аниқланди. Изланишнинг омади шундаки, олимлар 1900 йили Ганьсу ғорларидан топилган 50 мингга яқин китоблар ва манускриптлар ичидан тасодифан шундай янгиликка дуч келдилар.

ОДАМЗОД СОНИ?!

Француз олими Жан Бирабен Одам Ато ҳамда Момо Ҳаво яралганидан бери яшаб ўтган инсоният саногини аниқлашни қасд қилиб, бир олам маълумотни, жумладан, тарих, метерология, этнология ва бошқа фанларни тит-пит қилиб чиқди. Унинг айтишича, 18 асрга келибгина одамзод сони биринчи 1 миллиардга етган, 100 минг йил аввал эса 70 минг квадрат километрга 2 минг киши тўғри келган. Бироқ бу биргина олимнинг хулосаси, холос.

ЎСИМЛИКДАН ПЛАСТМАССА

Атроф-муҳитга зарар етказмай пластмасса олиш усули Буюк Британиянинг Дарем шаҳри университетида ниҳоясига етказилмоқда. Рапса деб номланувчи ўсимликнинг таркибида 20 фау пластмасса бўлган уруғи ерга кўмиб юборилгач, олти ойда яна углерод ва сувга парчаланиб кетар экан.

Профессор К. Эльборронинг айтишича, янгилик билан қизиқаётган компаниялар кундан-кун кўпайиб бормоқда.

КОМПЬЮТЕР ТАШХИСИ

Германиянинг «Шарите» медицина тадқиқот марказида синовдан ўтказилаётган компьютер дастури Берлин шаҳри бургомистирининг норозилигига учради. Лондонлик олим Рене Чангнинг тузган дастурини дунёнинг 58 шифохонаси сотиб олган бўлиб, у беморнинг яшаш имконияти ва харажатларини аниқлаб беради. Улим хавфи 99,9 фоизга етса, экранда қизил чоҳ пайдо бўлади. Бироқ бу компьютер ташхиси холос...

Taklif

ГЕОГРАФИЯ НИМАЛАРНИ КУТМОҚДА?

Ватанимизнинг ўзига хос табиатини, хўжалигини, аҳолисини ўрганишда географиянинг хизмати катта. Ёшларни юртга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш учун дастлаб Ватан ҳақида уларга билим, тушунча бериш лозим. Шунинг учун ҳам Президентимиз И. Каримов Ватан тарихи, маданияти ва иқтисодиёти билан бир қаторда географияни ўрганиш зарурлигини ўз асарларида бот-бот таъкидлаган.

Республикамизда география фанининг ривожланиши бевосита Фанлар академияси қошидаги география бўлими ва Тошкент университетининг география факультети билан боғлиқ. География бўлимини мустақил институтга айлантириш биз географларнинг катта орзуси эди... Мамлакатимиз истиқлол ва тараққиёти йўлида ривожланиб бормоқда. Бу йўлни асосий шароитлари ва заминлари аҳоли ва демографик вазиятига, геостратегик ўрни ва табиий иқлим хусусиятларига боғлиқ. Бу Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида ҳам кўрсатиб ўтилган. Маълумки, юқоридаги билимларни ижтимоий-иқтисодий ва табиий география фанлари ўрганади. Шунинг учун ҳам республикада география, геоэкология ва демография муаммолари билан шуғулланувчи ягона, мустақил институт очиш вақти етди. Қолаверса, мустақиллик шарофати билан содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳам истибдодли тузум натижасида пайдо бўлган геоэкологик муаммоларни ҳам тўғри таҳлил қилиш, конструктив хулосалар чиқариш ва прогнозлашда бундай институтнинг хизмати беқиёс бўлар эди.

Шу ўринда яна бир муаммо ҳақида икки оғиз сўз.

Маълумки, география ёшларга, умуман халқ оммасига атроф-муҳитни ўзининг уйи сифатида қараш, ардоқлаш ва асрашни ўргатадиган фандир. Бас, шундай экан, география фанлари мактабларимизда қандай ўтилмоқда? Бу саволга жавоб бериш анча мураккаб ва чуқур таҳлил талаб қиладиган масаладир. Аммо шу нарса аёнки, география фанларини ўрганишга бўлган иштиёқ мактаб ўқувчиларининг билим даражалари, сидқидилдан меҳнат қилишлари ва ниҳоят, мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга ҳам боғлиқдир. Фикримизча, тест синовларининг ижтимоий блоки таркибига ижтимоий ва иқтисодий география, табиий фанлар блокига эса табиий география фанларини қўйиш лозим. Бу жаҳон стандартлари даражасига ҳам мос тушади. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимларидан ижтимоий блок таркибига тарих, география, жамиятшунослик киритилади. Францияда ушбу блокка фалсафа, АҚШ, Япония, ҒФРда иқтисодиёт қўшиб ўрганилади.

Умид қиламизки, Ватанимиз, миллатимиз равнақи билан боғлиқ бўлган фанлар қайта кўриб чиқилаётган пайтда халқимиз ўз географиясини ҳам унутмайди.

А. МАҚСУДОВ,
Андижон давлат университети география кафедрасининг мудири, профессор.
Ю. АҲМАДАЛИЕВ,
Фарғона давлат университети биология-география факультети декан ўринбосари, доцент.
А. ҲАМИДОВ,
Фарғона давлат университети табиий география кафедрасининг катта ўқитувчиси.
М. ОХУНБОБОЕВ,
Ғулистон давлат университети қишлоқ хўжалиги асослари ва география кафедрасининг ўқитувчиси.

Muammo...

«ЯХШИ» ХУЛҚЛИ БОЛАЛАР

Таълим-тарбия танаффус ва таътил билмайдиган жараён. Мактаб-маориф иши такомил топган сари эса ўз ечимини кутишдан зерикмайдиган янгидан-янги муаммолар кўзга ташланиб қолавераркан.

Собиқ СССР давридаги «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» «жаннати жамият»нинг ўзига ўхшаб аллақачон сароб бўлиб чиқди. Чунки ҳанузгача ҳам кўча, мактаб, маҳаллаларда баъзи бир безори болалар ўтганнинг ўроғи, кетганнинг кетмонини олиш пайида бўлиб ётишибди-да! Бу эса ўз-ўзидан келажакда бекорчи, текин даромад ҳисобига ҳеч қанақа мақсадсиз тирикчилик қилувчи ёшгина оилаларнинг кўпайишига тайёр пойдевордир.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, биргина ўғирлик туфайли қамалиб кетаётган, аскарликнинг машаққатларига бардоши етмай, ҳарбий қисмлардан қочиб қолаётган айрим «шоввоз»лар ҳам қайсидир мактаб ўқувчиси, қайсидир оиланинг дилбанди эканлигидан ким тона олади? Агар ўша қаҳрамонларнинг сандиқда чанг босиб, қўпол қилиб айтганда, сичқонларга ем бўлиш даражасига етаёзган етуклик аттестатига беихтиёр кўз югуртирсангиз, албатта, ҳулқи учун «яхши» ёхуд «намунали» баҳо берилганлигига гувоҳ бўласиз. Эътибор беринг-а, ота-онаси ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Итолмас исмли бола 5-синфданоқ ўқитувчиларнинг беҳуда асабига тегаверганининг дастидан уни гоҳ у, гоҳ бу синфга ўтказиб юбораверишган. Шу тахлит у 11-синфгача етиб келади. Орада эса мактабда «таниқли» безорига айланади. Ҳатто ички ишлар бўлимининг рўйхатига унинг исми-шарифини «олдингилар» сафида ёзиб қўйишади. «Меҳрибон» синф раҳбари боланинг ҳулқига «яхши» баҳо қўйганлиги эса, жуда ажабланарли. Демак, бу баҳо аттестатга кўчирилиши ҳам табиий ҳол. Тўғри. Балки синф раҳбари мендан кетгунча қабилида иш тутиб, шогирдининг барибир ижобий томонга ўзгаришидан астойдил умид қилгандир? Аммо, менимча, донишмандларнинг «Сут билан кирган, жон билан чиқар»га ўхшаш ўгитларини ҳам баъзида эсга олиб турган маъқул.

Узимнинг 40 йиллик педагогик тажрибамдан шундай хулосага келдимки, ёш синф раҳбарлари ўқувчининг ҳулқига қўйиладиган баҳони унинг қай томонга йўналишига қараб аста-секин ўзгартириб борса, бу баҳонинг, албатта, қадри ошарди, балки боланинг интизоми ҳам тобора яхшиланармиди... Негаки, кўпчилик касбдошларимизнинг асосий масалага юзаки, зўрма-зўраки ёндошганлиги, ўқувчининг ҳулқига қўйилаётган баҳо билим учун қўйилган баҳоларнинг соясида аллақачон қолиб кетганлиги сабабли текинхўр, жиноятчи, безори болалар қилмишлари тез-тез кузатилмоқда. Ахир, биз ҳуқуқий давлат қураяпмиз! Шундай бўлгандан кейин, ички ишлар бўлими ҳамда халқ таълими бўлимларининг ўзаро ҳамкорлиги янада кучайтирилса, ҳақиқий ворисларнинг кўпая боришига, албатта, муҳим омил ярата олган бўлардик.

Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,
Пастдарғом туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

БУГУНГАЧА ҚИРҚ МИНГТА...

Хива билим юрти (эндиликда агробизнес колледжи) ташкил этилган йили туғилганлар ҳозир эҳтимол нафақа ёшига бориб қолгандир. Ҳисоб-китобчиларнинг фикрига қараганда, бугунгача шу билим даргоҳидан қирқ минг нафар мутахассис «учирма» қилинган.

Алқисса, яқинда ушбу ўқув даргоҳининг ўзига хос юбилей тўйида собиқ талабалар ҳозир бўлишди. Йиғилишда ўйин-кулгулар билан бир қаторда кекса устозлар шогирдларининг самимий сўзлари билан сийланди.

Ғ. ЁҚУБОВ.

ИЖОДКОРНИНГ КУНИ ТУҒДИ

Ижодкор аҳлининг кўпчилиги ерда туғилиб, кейин осмонга чиқади. Албатта, бу мақомга етишиш ҳар кимнинг илкида эмас. Бироқ «ҳаракатда — баракат», деган гап ҳам бор-да. Шу ақидага суяниб Зомин тумани марказида ёш ижодкорлар мактаби фаолият бошлади. Туман тарихини ўрганиш жамоатчилик марказидаги ҳамда халқ таълими бўлими ташкил этган мазкур маскан ёшларнинг ижодий юксалишида муҳим мезон бўлиши турган гап. Ҳозирча ўзига хос синовлардан эсон-омон ўтиб, мактабга қабул қилинганлар сони 12 нафарга етди.

Ш. ИСЛОМОВА.

УЛАР ШУНДАЙ ФОЙДАЛАНИШДИ...

Баҳорнинг ҳар куни байрам. Акмал Икромов тумани Боғистон маҳалласидаги 178-болалар боғчаси жамоаси ана шу байрам тадбирларидан тарбиявий ишда яхшигина фойдаланишди. «Болалигим—баҳорим менинг» деб номланган кечада болажонлар роса-а дилдан яйрашди. Шу билан бирга жажжиларнинг қувноқ кулгуларига шерик бўлиб ўтирган меҳмонларни боғча мудираси Лола опа Муҳамедова баҳор билан, Наврўзи олам билан қизғин табриклади.

Дарҳақиқат, бундай дилрабо кечалар болажонларнинг дунёқарашларига маълум даражада туртки берса не ажаб.

Ф. ЖУМАЕВА.

11 апрель куни анъанавий «Ўзбек тили» доимий анжумани Тошкентда ўзининг тўртинчи йиғинини бошлайди

Келажаги буюк давлатни маънавияти юксак инсонлар бунёд этади. Юксак маънавиятли, ҳар тамонлама баркамол инсонларни тарбиялаш маъсулияти эса, асосан, халқ таълими ходимлари зиммасига тушиши ҳаммага аён. Айниқса, тил-адабиёт мутахассисларининг бу борадаги масъулияти каттадир. Шу маънода 11 апрель куни Тошкентда ўз ишини бошлайдиган «Ўзбек тили» доимий анжуманининг тўртинчи йиғини маълум даражада маънавият бўйича ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган хайрли ишларга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз.

«Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари» мавзуига бағишланган мазкур анжуманга халқ таълими ходимлари томонидан тақдим этилган маъруза тезисларида ўқувчи-ёшларда маънавиятимизнинг у ёки бу жиҳатларини таркиб топтиришга йўналтирилган таълим усуллари ва методлари ҳақида фикр юритилади.

Анжуманда 200 дан ортиқ боғча тарбиячилари, бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юртларининг тил мутахассислари, илмий ходим ва аспирантлар ўз маърузалари билан иштирок этиши кўзда тутилган.

Анжуман «Мактабгача тарбия муассасаларида давлат тили» (Чилонзор туманидаги 561-боғчада), «Бошланғич мактабларда она тилининг ўқитилиши» (А. Икромов туманидаги 311-мактабда), «Умумтаълим мактабларида она тили» (Юнусобод туманидаги 273-ва С. Раҳимов туманидаги 249-мактабларда), «Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган муассасаларда давлат тилининг ўқитилиши» (Миробод туманидаги 110-мактабда), «Таълим бўғинларида янги алифбони ўрганиш» А. Икромов туманидаги 394-боғча («Ором»)да, «Махсус таълим муассасаларида она тили» (25-ёрдамчи мактабда), «Таълим бўғинларида эски ўзбек ёзуви» (С. Раҳимов туманидаги 29-мактабда), «Олий таълимда ўзбек тили» (ТДПИ математика факультетининг 5-зали) шўъбаларда фаолият кўрсатади. Шўъба йиғилишларининг бевосита таълим муассасаларида ўтказилишидан мақсад анжуман иши мазмунининг амалий қийматини ошириш, пойтахт мактаб ва мактабгача тарбия бўғинларининг ибратли тажрибаларини кузатиш, ўрганиш, мулоқотда бўлишдан иборатдир. Шўъба мажлисларининг мазмунли юқори савияда ўтиши учун Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчиларини сафарбар қилиб, катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Вакилларни «Темурийлар тарихи Давлат музейи», «Ўзбекистон тарихи Давлат музейи», «Адабиёт» музейи, «Олимпия музейи» билан таништириш анжуман дастуридан ўрин олган.

Анжуманда Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти, Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти халқ таълими департаментининг ўзбек тили ва адабиёти мутахассислари, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблардан ўқитувчилар, шунингдек, Хўжанд давлат университетининг ўзбек тили мутахассислари маърузалар билан иштирок этадилар.

Ўйлаймизки, Ўзбек тили доимий анжуманидаги илмий маърузалар, баҳс ва мунозаралар она тили мазмунини янгилаш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Муҳаббатхон АБДУРАИМОВА,
РТМ бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди.

ТИЛ — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Бошланғич синф ўқувчиларига эстетика, маданият, мусиқа ва расм асосларини ўргатиш Тошкент шаҳридаги 46-мактабда яхши йўлга қўйилган. Бу борада илғор ўқитувчилар тиним билмай изланишяпти. Масалан, фидойи муаллима Ҳалима Машунтина ўғил-қизларни янги китоблар билан ҳар доим таништириб боради. Илм масканидаги лотин ёзувига асосланган янги алифбони ўргатиш усуллари ҳам эътиборга молик. Шу боис ўғил-қизларда янги алифбони ўзлаштиришга иштиёқ ва қизиқиш ортиб бораётир.

СУРАТДА: илм маскани ҳаётидан лавҳа акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЁЗМА ҲАРФЛАРНИНГ ТУТАШТИРИЛИШИ

Алифбодаги ҳарфлар ёзилиш шаклига кўра ёзма ҳарфлар ва босма ҳарфлар деб икки турга ажратилади. Буларнинг ҳар бири ёзилиш шакли ва қўлланиш ўрни жиҳатидан кичик ҳарфлар ва бош(катта) ҳарфларга бўлинади.

Ёзма ҳарфлар одатда қўлда ёзилади, босма ҳарфлар эса асосан ёзувга оид техника воситасида ифодаланади.

Босма ҳарфлар расмий маъқулланган шаклда бир-бирига туташтирилмай тик шаклда ёзилади. Ёзма ҳарфлар эса сўзда ўнг томонга 75-80 даража қия қилиб туташтириб ёзилади. Кичик ҳарфлар ўнг ва чап томонидан, бош ҳарфлар эса ўзидан кейинги ҳарф билан туташади.

Сўзда ёзма ҳарфлар бир-бири билан туташтирилиб бир-бутунлик занжир ҳосил қилади. Аммо бу занжир сўзларда имло белгилари(тутуқ, кўчиш белгилари, чизиқча)бўлган ўринларда узилади, қўл ҳаракати тўхтаб, белгилар қўйилгандан кейин ҳаракат давом этади.

Мазкур белгиларни сўзни ёзиш жараёнида қўйиб юбориш, ҳарфларнинг устига, белига қўйиладиган ишораларни эса сўзни ёзиб бўлгандан кейин уни ўқиб туриб қўйиш тавсия қилинади.

Ёзма бош ҳарфларда қўл ҳаракати кичик ҳарфларни ёзишга нисбатан кўпроқ узилади: айрим ҳарфларнинг унсурлари қўшилади, туташтирувчи белгилар чизилади ва хоказо.

1993 йил 2 сентябрда расмий қабул қилиниб, 1995 йил 6 майда ўзгаришлар киритилган лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги ёзма кичик ва бош ҳарфлар ёзувда бир-бири билан туташтирилиши жиҳатидан икки гуруҳга ажратилади:

- таркибида туташтирувчи унсури бўлган ҳарфлар:
- туташтирувчи унсури бўлмаган ҳарфлар.(Бундай ҳарфларга туташтирувчи унсур ёзув жараёнида қўшилади.)

Туташтирувчи унсурли кичик ҳарфлар ўзидан кейинги ҳарф билан қаеридан туташтирилишига кўра уч гуруҳга бўлинади:

а) устки қисмидан туташтириладиган ҳарфлар: о, ў, у

бундай икки чизиқ(асосий чизиқлар орасига ёзиладиган ҳарфларнинг бўйи 4 мм, эни 3 мм бўлади):

2

б) ўрта қисмидан туташтириладиган ҳарфлар: б, ф (икки чизиқдан юқорига кўтарилиб ёзиладиган ҳарфларнинг бўйи 8 мм, пастга туташадиганлари 7 мм, ф нинг бўйи эса 11 мм бўлади).

в) остки қисмидан туташтириладиган ҳарфлар: а, д, е, к, і, ҳ, л, м, н, р, т, и, х, з, ш, ч; ғ, ж, п, қ, у, ф, нғ.

(з га унсур қўшиб, ўзидан кейинги ҳарфнинг остки қисмига туташтирилади, бу унсурларни зарур ўринларда кўрсатиб қўйдик).

КИЧИК ЁЗМА ҲАРФЛАРНИНГ ЎНГ ВА ЧАП ТОМОНДАН ТУТАШТИРИЛИШИ

Ҳарфларни туташтириб ёзиш дейилганда, одатда, кичик ва бош ҳарфларнинг ўзидан кейинги ҳарфга--ўнг томонидаги ҳарфга туташтирилиши назарда тутилади. Аслида эса ҳарфлар ёзувда ҳар икки томондан ҳам туташади. Бунга эришиш учун кичик ҳарфларни шакллантиришда чизилган чизиқ устидан, қўл ҳаракатини давом эттириб, туташтирувчи нуқтагача олиб бориш керак бўлади. Қуйида бу ишлар қандай амалга оширилиши тўғрисида тўхталамиз.

1. Остки қисмидан туташтириладиган ҳарфлар ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфлар билан (Бундан з, ч, х, ъ мустасно) остки қисмидан туташтирилади; мисоллар: ma, mi, me, mu, ek, el, lekin, pupak, gul, tenglik.

2. Унли товуш-ҳарфлар ўзидан кейинги з, ч, х, ъ ҳарфларнинг юқори қисмига туташтирилади; туташтириш жараёнида з, ч ҳарфларининг юқори қисмида тугунчак ҳосил қилинади: azm, iz, ez, uz, oz, ōz, ari, iri, erka, ot, ut, ōta, axlog.

3

Мазкур ҳарфларни ъ билан туташтиришда туташувчи ҳарфларнинг унсури билан ъ нинг юқори қисми туташтирилиб, сўнг унинг этак қисми чизилади: asta, is, usta, es; os, ōs.

3. о, ō, ў ҳарфлари-юқори қисмидан туташтириладиган ҳарфлар ўзаро ҳамда ўзидан кейинги остки қисмидан туташтириладиган ҳарфларнинг устки қисмидан туташтирилади: ovoz, ovota, omad, ōsma, oila, ojiz, ōgil, ōq, oy, orrog.

4. о, ō, ў ҳарфлари икки чизиқ юқорисига кўтарилиб ёзиладиган ҳарфлардан олдин келганда бу ҳарфларнинг ўртасига туташтирилади: odam, ohu, okean, olmog, ōt, ōvo.

5. ў дан олдин а, і, е, и ҳарфлари келганда ў нинг остки қисмига туташтирилади, мисоллар: avval, uit, ev bilan, uval; о, ō ҳарфлари эса юқори қисмига туташтирилади: ovcharka.

Ҳарфни кўриш - ўқишда аввал унинг юқори қисмига кўз тушади. Ана шу холни эътиборга олиб, ҳарфларни туташтиришда имконият бўлган ўринларда уларни юқори қисмидан эмас, остки қисмидан туташтиришга, ҳарфнинг юқори қисмида чизиқларнинг имконият бор даражада оз бўлишига ҳам эътибор бериш зарур. ў ҳарфнинг ўзидан олдинги ҳарф билан туташ-

(Давоми 3-бетда)

ФИКР АЙТИШ САНЪАТИ

Матн хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳамиша фикрни ифодалаш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун матн муаммолари, уни яратиш масалалари, матн устида иш усуллари ва йўлларини муҳокама этиш илмий ҳамда амалий ёндошишни тақозо этади. Зотан матн асосини фикр, яъни инсонни махлуқотнинг барча турларидан ажратиб турувчи тафаккурнинг маҳсули ва уни ифодалаш санъати ташкил этади. Шу боис «матн устида иш» деган сўз бу «фикрни ифодалаш устида иш» демакдир. Фикрсиз матн бўш қопдир. Муҳтарам ўқитувчиларимиз, таълим ва тарбия мутасаддилари буни чуқур англаб етишлари лозим. Таълим ва тарбия олувчида, энг аввало, фикрлаш қобилиятини уйғотиш зарур. Фикрлаш қобилиятини уйғотиш ва уни ривожлантириш эса, бевосита матн устида иш, матн асосида матн тузиш, матн режасини тузиш, ихчам ва муфассал режа бўйича матн тузиш, маълум бир мақсадни ифодалаш учун матн тузиш, маълум турдаги сўзлар ёки тушунчалардан, тилнинг грамматик ва тасвирий воситаларидан фойдаланиб матн тузиш каби юзлаб усул ва йўллар асосида амалга оширилади. Ўтказиладиган анжуманда, унинг шўъба йўналишларида муҳокама этиладиган маърузалар баёни билан танишиб чиққач, амин бўлдимки, матн муаммолари, амалиётчилар орасида атрофлича муҳокама этиларкан. Шу жараёнда эсдан чиқармаслик лозимки, матн устида иш фикр, унинг ифодаловчиси, яъни муаллифнинг савияси ва мақсад каби таркибий қисмларни ўзаро уйғунлаштиришдан иборатдир. Бу уч қисм бир-бирига мутаносиб боғланмас экан, эркин, тўғри ва чиройли матн ҳақида гапириш мумкин эмас. Дастлаб, матннинг энг асосий таркибий қисми — фикр ҳақида.

Фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, турли соҳалардан олинадиган билимларни ўзаро қиёслаш ва боғлаш, ўхшашлик ва фарқлар асосида маълум ва номаълум нарсалар ҳақида ҳукм чиқариш таълим жараёнининг асосий мақсадидир. Бу билан билимгоҳларда — ясли, боғчалардан бошлаб олий ўқув юртларигача бўлган билим масканларида — ўрганиладиган барча фану предметлар, дарсу машғулотлар бир тизимнинг, бир занжирнинг турли бўғинлари сифатида бирлашади. Мана шу жараёнда она тили ва адабиёт фани предмети олдида алоҳида масъулият туради. Бу масъулият шундан иборатки, она тили ва адабиёт машғулотлари илм толибларининг фикрлаш қобилиятларини оширишгагина эмас, балки ижодий фикр маҳсулини тўғри ва равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш, кўникмаларини ҳосил қилишга ҳам, чиройли ва мазмундор матн тузишга ҳам қаратилган бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан комил ишонч билан айтиш мумкинки, Халқ таълими вазирлиги томонидан 1993 йилнинг октябрида қабул қилинган «Умумтаълим мактабларида она (ўзбек) тили таълими концепцияси»да бу мақсад жуда тўғри белгиланган ва бизнинг асосий вазифамиз шу мақсадга эришишнинг энг қулай, энг сермаҳсул ва унумли йўлларини излаш, янгиликларни кенг оммалаштиришдан иборатдир.

Масаланинг муҳим томонларидан бири фикрни ифодалаш, яъни матн устида ишлаш жараёнида тил-адабиёт мутахассисларининг, билимгоҳларнинг бошқа соҳа мутахассислари — тарихчилар, географлар, биологлар ва кимёшунослар билан ҳамкорлигидир.

Матн устида ишлашнинг инобатга олиниши лозим бўлган навбатдаги муҳим таркибий қисми — фикр соҳиби, матн муаллифи масаласидир. Дастлаб ҳар бир шахс — боғча боласидан бошлаб, етук мутахассисгача ўз матни учун масъулиятни сезиши лозим. Бу туйғуни шахсга энг кичик ёшдан бошлаб сингдириш шарт. Ҳар бир шахс улуғ бобомизнинг «Тилга эътиборсиз — элга эътиборсиз» ҳикматли сўзи маъносини ўқиши, буюк Мир Алишер бу ерда «тил» деганда матнни назарда тутаётганлигини тафҳим этиши шарт. Матн олдида маъсулиятни сезиш, матн муаллифининг ички оламини кўзгуси эканлигини ҳис этиши тўғри ва чиройли матн тузишнинг фикрдан кейинги муҳим амалдир.

Матн муаллифининг ёши ва савиясига мос берилиши ва талаб этилиши лозим. Чунончи, «Сув» мавзуи асосида биринчи синф ўқувчиси ҳам, профессор-химик ҳам, халқ ёзувчиси ҳам матн туза олади. Лекин ҳар бир матн ҳар хил бўлади. Шунинг учун матн устида ишлашда муаллифнинг ёши ва савияси назарда тутилиши лозим.

Муаллиф ўз фикрини матн шаклида баён қилар экан, у бу матн олдида турган мақсадни аниқ билмоғи зарур. Чунки мақсад матн шакли, услуби ва турини белгилайди. Матн мақсадининг таркибий қисмларидан бири унинг кимга қаратилганлигидир. Берилган топшириқлар муаллифнинг, она тилининг имкониятлар хазиналирига шўнғишга ундаса, иккинчидан, унда бир мақсадни шароитга мос равишда турли шаклларда бериш кўникмаларини ривожлантиради. Бу эса жуда муҳимдир. Машҳур мураббийлардан бири «Мен оддийгина «Бу ёққа кел» гапини 72 турда айта оладиган бўлганимдан кейингина ўзимни педагог деб санадим» — деб айтгани бежиз эмас. Биз буни ўқитувчиларимизга сингдиришимиз, матннинг кимга қаратилганлигига қараб услуб, сўз ва иборалар танлаш малакаларини уларда ҳосил қилдиришимиз зарур. Бунинг энг яхши усули ўқувчида айни бир мазмунни турли шаклларда, турли шахс ва шароитларда баён эттириш кўникмаларини ҳосил қилишдир. Бундан ташқари, муаллифда матннинг икки асосий шакли ёзма матн ва оғзаки матн шакллари, бу шаклларнинг ҳар бирининг ўзига хослиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилинган бўлиши зарур. Бундай кўникма ҳосил қилишнинг энг асосий усули «айни бир мазмунни оғзаки ва ёзма шаклда баён қилиш» бўйича амалий ишлардир.

Мазкур анжуманимизнинг, асосан, билимгоҳларимизда ёзма матн мавзусига бағишланганлиги яхши. Анжуманнинг навбатдаги йиғини «Оғзаки нутқ ва унинг тасвирий воситалари» масаласига бағишланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Р. САЙФУЛЛАЕВА,
филология фанлари доктори.

ЯНГИ АЛИФБОНИ ЎРГАНАМАН ДЕСАНГИЗ

Ўзбекистонда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида»ги қонун 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинди. 1995 йил 6 майда мазкур ҳужжатга айрим ўзгартиришлар киритиш ҳақида қонун чиқди.

Қуйида Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида 1995 йил 6 майда алифбога киритилган ўзгаришлардан кейин олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида лотинга асосланган янги ўзбек алифбосида чоп этилган дастур, дарслик, ўқув қўлланмалар ҳамда мақолалар рўйхатини берамиз.

1. Й. Абдуллаев. Янги алифбо — лотин ёзувига асосланган узбек алифбоси. Чунтакбоп тақвим. Т.; «Меҳнат», 1996.
2. Й. Абдуллаев. «Мозий ва янги алифбо», «Узбекистон овози» 1995., январь, 0,4 б. т.
3. Й. Абдуллаев. «Чиғатой гурунги нима эди». — «Узбекистон овози», 1995., 4 апрель. — 0,4 б. т.
4. Й. Абдуллаев. Янги алифбо ва имлони ўргатиш дастури. Т.; «Ўқитувчи», 1996. — 0.5 б. т.
5. Й. Абдуллаев. «Ҳамроҳим», янги алифбо ва имлодан қўлланма. Т.; «Ўқитувчи», 1996. — 4,83 б. т.
6. Й. Абдуллаев. «Совға», янги алифбо ва имлодан қўлланма. Т.; «Ўқитувчи», 1996. — 3,28 б. т.
7. Й. Абдуллаев. Тавсиялар (илмий-амалий анжуман тавсиялари), «Маърифат» газетаси, 1996, 11 сентябрь. — 0,2 б. т.
8. Й. Абдуллаев. «Имлони пухта ўрганайлик», «Узбекистон овози», 1997, 30 январь — 0,5 б. т.
9. Й. Абдуллаев, Ш. Йўлдошева. Ёзма ҳарфларнинг туташтирилиши. «Маърифат» газетаси, 1997, 9 апрель — 0,4 б. т.

Бошланғич таълим назарияси ва методикаси бўлими бўйича

1. Қ. Абдуллаева ва б. Алифбе дарслиги. Т. «Ўқитувчи», 1996, 5 б/т.
2. Қ. Абдуллаева ва б. Она тили дарслиги. Т. «Ўқитувчи». 1996, 6 б/т.
3. Қ. Абдуллаева ва б. Она тили дастури. «Ўқитувчи». 1996, 2,5 б/т.
4. Қ. Абдуллаева ва б. 1 — ёзув дафтари. «Ўқитувчи». 1996, 4 б/т.
5. Қ. Абдуллаева ва б. 2 — ёзув дафтари.« Ўқитувчи». 1996, 4 б/т.
6. Қ. Абдуллаева ва б. Савод ўргатиш методикаси. «Ўқитувчи». 8 б/т.
7. Қ. Абдуллаева ва б. Саводхонлик асоси. «Миллий тикланиш» газетаси. 0,4 б/т.
8. Қ. Абдуллаева ва б. Шодлик мактаби учун «Шодлик», «Маърифат» газетаси. 8 июнь 1996, Ҳажми: 0,5 б/т.
9. Қ. Абдуллаева ва б. Савод ўргатиш (режа). «Маърифат» газетаси. 17 сентябрь, 1996.
10. Н. Бикбоева, Э. Янгабоева ва бошқалар. 1-синф. Математика дарслиги «Ўқитувчи». 1996, 6,0 б/т.
11. Н. Бикбоева ва бошқалар. 1-синф. Математика дафтари. N1. «Ўқитувчи». 1996 й.
12. Н. Бикбоева ва бошқалар. Математика дафтари N 2. «Ўқитувчи». 1996 й.
13. Н. Бикбоева, М. Зайниддинова. 1-синф математика дарсларини режалаштириш. Бошланғич таълим. N 6. 1996. 0,5 б/т.
14. М. Зайниддинова. Арифметик масалалар тўплами. «Ўқитувчи». 1996, 2,0 б/т.

ЎзПФИТИ катта илмий ходими Суннатилла Ризаев томонидан бажарилган ишлар рўйхати*

1996 йил

1. Янги алифбо. Лотин ёзувига асосланган узбек алифбоси. Т.: «Меҳнат», 1996, (Плакат).
2. Янги алифбони ўрганамиз. «Ҳадис»дан 70 намуна. Т.: «Камалак», 1996, 1,5 б. т.
3. Янги алифбо ҳарфлари билан танишамиз. Т.: ТДУ, 1996, 1 б. т.
4. Лотин ҳарфлари асосидаги узбек алифбоси. Курс дастури. Т., 1996, 1б. т. (Ҳамкор — О. Ризаева).
5. Ёзув дафтари. Янги алифбони ўрганамиз. Т.: «Камалак», 1996, 2,5 б. т.
6. Узбек лотин алифбоси бўйича «Ёзув дафтари»дан фойдаланишга доир методик тавсиялар. Т.: «Куҳи-Нур», 1996, 1,2 б. т.
7. Ёзув дафтари. Лотин ҳарфлари асосидаги узбек алифбосини ўрганамиз. Т.: ТДИУ, 1996, 3 б. т.
8. Лотин ёзувидаги янги ўзбек алифбоси. Педагогика институтлари учун дастур. Т., 1996 (Ҳамкор — Ж. Лапасов, М. Солиҳова) 0,5 б. т.
9. Кесма ҳарфлар ва математик ишоралар. Т., «Ўқитувчи», 1996. 3,5 б. т.
10. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси таълимига доир. — «Таълим жараёнида узбек янги алифбоси ва миллий имлосининг муҳим муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани Биринчи Республика йиғининг Маърузалар тўплами. ТДИУ (Тошкент, 1996, 1—2 май). Т., 1996, 3—4-бетлар (Ҳамкор — З. Йўлдошев).
11. «Янги алифбо ва имло» курсини ўзлаштириш бўйича талабалар билимини назорат қилишнинг рейтинг усули. — «Таълим жараёнида узбек янги алифбоси ва миллий имлосининг муҳим муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани Биринчи Республика йиғининг Маърузалар тўплами. ТДИУ (Тошкент, 1996, 1—2 май). Т., 1996, 5—7-бетлар.
12. Расмли алифбо. Т.: «Куҳи-Нур», 1996, 2 б. т.
13. «Ре» ми ёки «ЭР»ми? Лотин ёзувига асосланган узбек алифбосини ўрганамиз. — «Маърифат» газетаси, 1996 йил, 14 декабрь.
14. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси. — «Бошланғич таълим», журнали 1995, 9—12-сон, 3-бет; Яна қаранг: 4—11-бетлар: «Узбек тилининг асосий имло қоидалари» (Нашрга тайёрловчи).

1997 йил

15. Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси дастури. Т., 1997, 1 б. т.
16. «Қалдирғоч». Синфдан ташқари ўқиш китоби (Бошланғич синф ўқувчилари учун). Т.: «Камалак», 1997, 4 б. т.
17. Айрим ҳарфларнинг ўқитилишига доир. Янги алифбони ўрганамиз. — «Маърифат», 1997 йил 8 январь.
18. Иш дафтари. Янги алифбони ўрганамиз (Ўқув қўлланма). Т.: «Ўқитувчи», 1997, 8 б. т. (Босмада).
19. Расмли алифбо. Янги алифбони ўрганамиз. Т.: «Ўқитувчи», 1997. 2 б. т.
20. Имло ва талаффуз луғати. Т.: «Ўқитувчи», 1997, 5 б. т. (Босмада).
21. Муҳим қўлланма («Биринчи синфда савод дарслари»). — «Маърифат», 1997 (март).
22. «Янги алифбо ва имло таълими». — «Узбекистон овози», 1997, 4 март.

***С. Ризаев томонидан «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси»га доир 1993 й. 2 сентябрдан 1995 йилнинг 6 майигача чоп этилган ишлар мазкур рўйхатга киритилмаган.**

Тасвирий санъат ва мусиқани ўқитиш назарияси ва услубияти бўлими бўйича

1. Ҳасанов Р., Эгамов Х. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат. Дастур. Биринчи синф учун дастурлар тўпламида. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
2. Ҳасанов Р., Эгамов Х. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат. Дастур. Иккинчи синф учун дастурлар тўпламида. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1997.
3. Ҳасанов Р., Эгамов Х. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат. Дастур. Учинчи синф учун дастурлар тўпламида. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1997.
4. Ҳасанов Р., Эгамов Х. Биринчи синфда тасвирий санъат ва бадиий меҳнат дарслари. Методик қўлланма. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1996.
5. Ҳасанов Р., Эгамов Х. Иккинчи синфда тасвирий санъат ва бадиий меҳнат дарслари. Методик қўлланма. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1997.
6. Эгамов Х. Узингиз чизинг ва буянг. 1-синфда дидактик материал. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
7. Эгамов Х. Узингиз куринг ва ясанг. 1-синф учун дидактик материал. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1996. — 2 б. т.
8. Х. Эгамов. Узингиз куринг ва чизинг. Иккинчи синф учун дидактик материал. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1997. — 2 б. т.

4

ЁЗМА ҲАРФЛАРНИНГ ТУТАШТИРИЛИШИ

(Боши 2-бетда).

тирилишини назарда тутдик.

БОШ ҲАРФЛАРНИНГ ТУТАШТИРИЛИШИ

Ёзма бош ҳарфларнинг бўйи 8 мм бўлиб, улар ўзидан кейинги кичик ҳарфлар билан туташтирилади.

Бош ҳарфлар ўз таркибида туташтирувчи унсури бор ёки йўқлигига кўра икки гуруҳга бўлинади:

- туташтирувчи унсурли бош ҳарфлар:
- туташтирувчи унсурсиз бош ҳарфлар.

Туташтирувчи унсурсиз бош ҳарфларга ёзиш вақтида унсур қўшилади.

Туташтирувчи унсурли бош ҳарфлар: A, E, G, H, L, T, K, L, M, Q, R, U, X, Y, Z, G', Sh, Ch.

(Ng ҳарф бирикмасининг ёзма бош шакли ўзбек ёзувида қўлланилмайди: бу товуш билан сўз бошланмайди)

Туташтирувчи унсурсиз бош ҳарфлар: B, D, F, N, O, P, S, T, V, O'.

Бош ҳарфлар қаеридан туташтирилишига кўра икки турга бўлинади:

-ўрта қисмидан туташтириладиган бош ҳарфлар: A, L, Y, Z, G'.

-пастки қисмидан туташтириладиган бош ҳарфлар: E, B, D, F, H, K, L, M, N, O, P, Q, R, S, T, U, V, X, Z, O', Sh, Ch.

1. Ўрта қисмидан туташтириладиган бош ҳарфлар ўзидан кейинги икки чизиқ орасига ёзиладиган ҳарфларнинг устки қисмидан туташтирилади, мисоллар: Anzirat, Isa, Yulduz, Gulnor, Gulom.

Бу ҳарфлар икки чизиқнинг юқорисига кўтариладиган

5

ҳарфларнинг ўртасига туташтирилади: Akbar, Ilyos, Ikrom, Adham, Abdulla, Idris, Alixon.

Ўрта қисмидан туташтириладиган ҳарфлар Z, T, X, S

ҳарфларнинг чап томонидаги чизиққа туташтирилади: Aziza, Arofat, Izzat, Asom, Islom.

2. Остки қисмидан туташтириладиган бош ҳарфлар икки чизиқ орасига ёзиладиган ҳарфларнинг остки қисмидан туташтирилади;

Omon, Vasila, Hakim, Tohir, Kamol, Lobar, Muhiddin, Qumri, Rahima, Ulfat, Xadicha, Bobir, Dilbar, Farhod, Nafisa, Olimjon, Polat, Sobir, Almas, Zaynidin.

Асосан ёзув техникаси воситасида босма ҳарфлар билан ифодаланадиган ёзув икки хил бўлади:

-кичик ҳарфлар билан ифодаланган ёзув;

-бош ҳарфлар билан ифодаланган ёзув.

Буларнинг аввалгисига нисбатан кейингиси кам қўлланади. Таълимда хусусан мактаб таълимида асосан ёзма кичик ҳарфлар билан иш олиб борилади.

Бош ҳарфлар имло қоидалари талаб қиладиган ўринларда қўлланилади.

Шиорлар, хитоб-чақириқлар, даврий матбуот ва китобларидаги бўлим ва ҳоказоларни билдирувчи сарлавҳалар босма бош ҳарфлар билан берилади. Бўлимнинг қисмларини ифодаловчи сарлавҳаларни босма кичик ҳарфлар билан бериш тавсия қилинади. Афсуски, баъзан бу икки хил ҳарф тури аралашган ҳоллар ҳам учрайди.

Босма бош ҳарфлар билан ёзилганда ҳарфлар бирикмаси билан ифодаланган товушларни ифодаловчи ҳар икки ҳарф ҳам бош шаклда бўлади.

Босма кичик ҳарфлар билан ёзилганда, шунингдек, ёзма ҳарфлар билан ёзилганда ҳам, ҳарф бирикмасидаги аввалги белги(ҳарф) бош шаклда, кейингисида эса кичик ҳарф шаклида бўлиши керак.

Хуснихат талаблари ва қоидаларига амал қилиб ёзилган хатни киши тез ўқийди ва тушунади.

Хушхатлик - инсон кўрки. Ўзбекистонда хушхатликка катта аҳамият берилган. Хатига қараб кишининг билими белгиланган. Ана шу анъанани имконият борича тиклашга янги алифбо ва имлони ёш болаларга ўргатиш ва ўрганиш жараёнида эътиборни кучайтирайлик. Бунда устознинг хати катта аҳамият касб этади.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

АМИР ТЕМУР ҲАЁТНОМАСИ

Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ғоят ноёб асар — Шарафуддин Али Йаздийнинг «Зафарнома» асарини босмадан чиқарди. («Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, Тошкент, 1997, 382 бет. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. Масъул муҳаррир: Барнобек Эшпўлатов). Тарихчилар фикрича, бу асар Соҳибқироннинг тўлиқ ҳаётномаси булиб, у воқеалар баёнининг изчиллиги ва муфассаллиги билан Амир Темур ҳақида бошқа асарлардан ажралиб туради. Шарафуддин Али Йаздий эътироф этишича, у «Зафарнома»ни Амир Темурнинг набираси, Шоҳруҳ Мирзонинг кичик ўғли Иброҳим Султон ташаббуси билан ёзган. Иброҳим Султон 1419—1420 йилда бобоси Амир Темур ҳақида махсус китоб яратишни ният қилиб, барча котибларга Соҳибқирон ҳақидаги туркий ва форсий тилда ёзилган асарларни, ривоятларни тўплашга фармон беради. Шунга кўра, Шарафуддин Али Йаздий «Зафарнома»да кўрсатишича, подшоҳликнинг барча томонларидан Амир Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларда баён этилган ҳикояларнинг ҳамма шеърий ва насрий нусхалари тўпланиб бўлгач, улар билан танишиш учун 3 та гуруҳ тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзлари билан кўрган кишилар эса учинчи гуруҳни ташкил қилган. Аввал Амир Темур ҳақидаги ҳар бир ҳикоя ўқиб чиқилган, агар шу ҳикоя, воқеани кўрган кишилар талқинига тўғри келмаса бошқа кишилар чорланган, қўшимча маълумотлар тўпланган. Бошқа гувоҳларнинг ҳикоялари билан тасдиқлаган воқеалар Иброҳим Султон томонидан айтиб турилиб, асарнинг хомаки нусхаси тайёрланган. Саналар, жой номлари, масофалар ва бошқа муҳим маълумотлар Иброҳим Султоннинг буйруғи асосида синчиклаб ўрганилиши, текширилиши шартлаб қўйилган. Шулар асосида Шарафуддин Али Йаздийнинг «Зафарнома» си юзага келган.

«Зафарнома» муаллифи Шарафуддин Али Йаздий ўз даврининг зукко олими, тарихнависи бўлган. Чунки асарнинг мураккаб ёзилиш услуби, сўз ва ибораларнинг ранг-баранглиги, келтирилган кўплаб шеърий мисралар, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифнинг арабча матнлари бундан шоҳидлик беради.

Шарафуддин Али Йаздий бир неча йил Ҳиротда Шоҳруҳ Мирзо саройида, унинг кичик ўғли Иброҳим Султон саройида — Шерозда хизмат қилган. У шеърият, илми нужум ҳамда диний илмлардан обдон хабардор, зукко олим бўлган. Шарафуддин Али Йаздий «Зарафнома»нинг дебочасида кўрсатишича, асарнинг ҳижрий 828 (мелодий 1424—1425) йили ёзиб тугатган. Шу тарих Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида ҳам кўрсатилган. «Зафарнома» Соҳибқироннинг муфассал ва Ҳалил Султоннинг қисқача тарихидан иборат бўлиб, у ўз даврида ва кейинги замонларда ҳам хаммага манзур ва машҳур бўлган. Бу асарга асос бўлган илк нусхани Амир Темур сарой кундаликлари ва бошқа манбалар асосида, сарой котибларининг ёрдамида Иброҳим Султон ёзган. Бу нусхани қайта ишлаб, бошқа манбалардан фойдаланиб Шарафуддин Али Йаздий ўз «Зафарнома»сини яратган. Бу асар Амир Темур тарихига бағишланган асарларнинг энг яхшиларидан бири, ҳақиқатга яқини, энг мукаммали бўлиб, у ёзилганидан бери олти аср ўтган бўлса-да, у ана шу давр ичида қайта-қайта кўчирилган, Шарқ ва Ғарбнинг бир неча тилларига тўла ва қисман таржима қилинган, нашр этилган. «Зафарнома»нинг француз (1713), инглиз (1723), италиян ва бошқа тиллардаги таржималари, форс тилидаги Теҳрон ва Калкутта нашрлари машҳур.

«Зафарнома»нинг бошланиши — «Тарихи Жаҳонгир» (Чингизхон назарда тутилади) ёки «Муқаддима» — сўз боши икки фасл ва хотимадан иборат булиб, муаллиф унда Амир Темур ҳазратлари шажарасини баён этиб ва унинг аввалги подшоҳлардан давлат ва ҳарбий арбоб сифатидаги устунлигини кўрсатишни асосий мақсад қилиб қўйган. «Муқаддима»да XIV аср биринчи ярмида Чиғатой улуси ва унга қўшни булган мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий вазият таърифланади, яъни феодал тарқоқлик ва узаро урушларнинг кучайиши, бу ҳол Мовароуннаҳрда марказлашган давлат асосчиси Амир Темурнинг тарих саҳнасида пайдо бўлишига шарт-шароит яратганлиги солнома этилган.

«Зафарнома»нинг асосий қисми Амир Темур даврида Мавороуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий, сиёсий ва маданий тарихи, бунда Соҳибқироннинг салтанат соҳиби, моҳир саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатидаги тарихий ўрни очиб берилган.

«Зафарнома»да Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари, ғалабалари, ислом динига, олиму фозил кишиларга ғамхўрлиги, мақбаралар, шаҳарлар, масжидлар, наҳрлар, қалъа ва қўрғонлар барпо этишдаги раҳнамолиги ҳақида ажойиб маълумотлар бор.

XV—XVI асрларда «Зафарнома» қаҳрамонлик киссаси жанрида икки марта шеърий йул билан Лутфий ва Хотифий томонидан туркий тилда назм этилган. Кўчкинчихон (1510—1530) даврида Муҳаммад Али Ибн Дарвеш Али Аль-Бухорий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. 1822—1823 йилларда Хивада Худойберди Ибн Қўшмуҳаммад Суфи ал-Ҳивақий томонидан «Зафарнома» ўзбек тилига қисқартириб кўчирилган.

1972 йили ЎзФА Шарқшунослик институтида Асомиддин Уринбоев томонидан «Зафарнома»нинг XVII асрда кўчирилган қўлёзмаси асосида фотофаксимал нусхаси нашрга тайёрланиб «Фан» нашриётида чоп этилди. Бироқ китоб тарқалиб улгурмай, «Қизил Империя» мафкурачилари «Темур шахсига сиғиниш», «Темурийлар даврини бурттириб ёзиш» масаласини кўтариб, бу иш бошида турган (Иброҳим Муминов ва бошқалар)га, «Зафарнома»га ҳам ҳужум уюштирди. Шу тарика «Зафарнома» ва Иброҳим Муминовнинг «Амир Темур Урта Осиё тарихидаги ўрни ва роли» деган жажжи рисоласи нусхалари китоб дўконларидан йиғиштириб олинди...

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарих ва қадриятларга йўл очилди, заковатли олимлар Асомиддин Уринбоев ва Омонулла Бўриев «Зафарнома»ни таржима қилиш ва нашрга тайёрлашга киришдилар. Асарнинг каттагина қисми «Шарқ юлдузи» журналининг 1992 йил 3—12; 1993 йил 1—2 сонларида, 1994 йил «Камалак» нашриётида чоп этилди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини солнома этган Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Йаздий «Зафарнома»лари ва бошқа тарихий китобларни ўқиган киши шундай хулосага келадики, жамият ҳаётининг қандай ўзанга бурилиб кетиши, кишилар тақдирининг қандай тус олиши давлат арбобининг, подшоҳнинг шахсий ва ижтимоий жасоратига, энг оғир пайтларда тўғри йўлни танлаб олиш қобилиятига кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Биз тарихда шахснинг ўрнини узоқ йиллар камситиб келдик. Ваҳоланки, айрим шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий жихатдан баркамоллиги, қандай мақсад ва ғоялар билан яшаши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга экан. Давлат тепасида турган кишининг донолиги, ақл-заковати, сезгирлиги қанчалик зиёда бўлса, халқи учун шунчалик катта бахт эканлиги айни мисолни Амир Темур бобомиз, бугунги кунда Президентимиз Ислом Каримов шахсида, ҳаёт ва фаолиятида кўрамиз.

Президентимиз ташаббуси билан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги мамлакатимизда ва хорижда кенг нишонланди. Шу муносабат билан Амир Темур ва Темурийлар даври фани, маданиятга оид қўлёзма ва янги асарларни нашр этишга киришилди. Қўлимиздаги таржима-табдил «Зафарнома» ҳам ана шу ташаббус маҳсулидир. Мазкур «Зафарнома»нинг ўзига хослиги шундаки, у Шайбонийлар сулоласидан бўлган Кўчкунчихон (1510—1529) фармонига кўра, 1519 йили Муҳаммад Али Ибн Дарвеш Али ал-Бухорий томонидан эски ўзбек тилига таржима қилинган булиб, заковатли тарихчи олимлар Ашраф Аҳмад ва Ҳайдарбек Бобобеков Истанбулда Нури Усмония кутубхонасида сақланаётган ўша нодир, ноёб нусхани хозирги ҳарфимизга табдил қилиб, нашр эттирдилар.

Ашраф Аҳмад ва Ҳайдарбек Бобобеков мазкур нашрга ёзган сўзбошида таъкидлаганларидек, «Зафарнома»да Амир Темур ҳақида кўпдан-кўп биографик маълумотлар келтирилганлиги учун уни фақат Соҳибқироннинг ғалабалари тавсифи эмас, балки ҳаётномаси деб аташ мумкин. Асарда Амир Темурнинг барча оила аъзолари ва қариндош-уруғлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилади. Зеро, «Зафарнома»да Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари тавсифи билан бирга инсон руҳий ҳолатлари, характерлари ҳам жуда яхши акслантирилган. Айниқса, Соҳибқирон сиймоси — унинг метин иродаси, мислсиз қаҳрамонлиги, довюраклиги, катта қалб соҳиблиги, саховатлилиги, ҳамма улуғ инсонларга хос руҳий кечинмалари, изтироблари катта ҳаққоният ва зўр маҳорат билан ифодаланган.

«Зафарнома»ни ўқир эканмиз, Амир Темур сиймоси кўз олдимизда енгилмас ва забардаст, баҳодир жангчи, адолатли раҳбар-саркарда, илм-фан ҳомийси, донишманд, оқил инсон, олиму фузалоларнинг яқин дўсти ва ҳомийси, Аллоҳ инъом этган тақдири азалга бўйсунувчи ожиз инсон — мунис ота, қаттиққўл лашкарбоши сифатида гавдаланади. Масалан, қизи Тоғайбегимнинг, ўғли Жаҳонгир Мирзонинг, набираси Муҳаммад Султоннинг вафотлари муносабати билан Соҳибқирон кўп қайғуради, фарзандлари—дилбандларини жондан севувчи ота сифатида тақдирни Аллоҳдан деб билгувчи, фақат Унгагина ибодат ва илтижо қилгувчи, сабр-тоқатли мўмин-мусулмон тарзида намоён булади. Шарафуддин Али Йаздий «Зафарнома»нинг бош қаҳрамони Соҳибқироннинг машаққатли ҳарбий юришларидаги зафарли жангларини, сиёсий-маданий ишларини юксак инсоний кечинмалар кўзгусида кўрсатади.

Sohibqiron tavalludiga

«Зафарнома»да Амир Темурнинг эгачиси—опаси Қутлуг Туркон ого, катта малика Сароймулкхоним (Бибихоним), амирлардан Ҳожи Сайфуддин, Шайх Нуриддинбек, Шоҳ Маликбек, олимлардан Саййид Мир Барака ва бошқаларнинг сиймолари ҳам юксак маҳорат билан тасвирланган. Улар ҳар қандай қийин вазиятларда ҳам Соҳибқиронга дўстлигича қоладилар. Бу ўринда асар муаллифининг заковатли ақл эгаси бўлганлигини, Муҳаммад Али ал-Бухорийнинг асарни зўр маҳорат билан таржима қилганлигини алоҳида эътироф этишимиз керак.

«Зафарнома»да Амир Темурнинг ҳарбий юришлари муфассал баён қилинар экан, унинг лашкарбошилик-саркардалик салоҳияти, ҳарбий санъати, қийин вазиятларда ҳам лашкарни фақат зафарли йўлга чорлаши — масаланинг тўғри ва доно ечимини топишдаги устамонлиги кўрсатилади.

«Зафарнома»да муфассалроқ баён этилган ҳарбий юришлар, чунончи, Амир Темурнинг «уч йиллик», «беш йиллик», «етти йиллик урушлари» деб тарих китобларига кирган ҳарбий ҳаракатлари кўп ҳолларда Оврупо тарихчилари томонидан «Бойлик орттириш учун қилинган босқинчилик урушлари» деб ғаразли мақсадлардан келиб чиқиб баҳоланган. Булар юзаки баҳолардир. Ваҳоланки, Соҳибқироннинг ҳарбий юришларини «босқинчилик» деб аташ мумкин эмас. Нега? Масаланинг тўғри ечими қандай?

Биринчидан, Амир Темурнинг Хоразмга килган беш марта юришини Чиғатой улусини — юртни бирлаштириш, бир ҳокимият остига жипслаштириш бўлса, Хуросон ва Форс ўлкаларига юришлари — тинч аҳолига зулм ўтказаётган ҳокимларнинг адабини бериш, баъзида душманларидан, хиёнатчилардан ўч олиш, дин душманларига қарши ғазаввот мақсадларида олиб борилган эди.

Иккинчидан, Амир Темурнинг Эрон, Ироқ, Сурия, Шарқий Онадули ерларига ҳарбий юришларидан асосий мақсади — Буюк Ипак йўлини бир мамлакатга бирлаштириш, маҳаллий ҳокимларнинг бу йўлга зўравонлигини синдириш, қароқчиларни даф қилиб, карвонлар, элчилар, ҳожилар хавфсизлигини таъминлаш эди.

Учинчидан, Амир Темурнинг Тўхтамишхон ва Боязидхон устига уруш очишида ҳақиқат тўла Соҳибқирон томонида эди. Бу масала тарихий маълумотлар орқали ўз ечимини топган. Айни маҳалда «Зафарнома»ни чуқур мушоҳада билан мутолаа қилган ўқувчи буларга тўла гувоҳ бўлади. Шу билан бирга Амир Темур ўз даврининг фарзанди, йирик лашкарбоши-саркарда, улкан салтанат соҳиби, уруш қиладиган, куч ишлатадиган мураккаб замоннинг вакили эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Бунга бир неча ижтимоий-сиёсий сабаблар ҳам бор.

Биринчидан, XIV асрда Чингизхон сулоласи улкан салтанатининг уччала ғарбий улуслари — Олтин Ўрда, Чиғатой улуси, Хулагухон улуси ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан чуқур таназзулга юз тутди. Чиғатой улусидан Амир Темур чиқмаганда ҳам Тўхтамишхон ёки Хулагухон улусидан бир кучли шахс чиқиб, парчаланган мулкларни бирлаштириш учун ҳарбий урушлар олиб бориши аниқ эди.

Иккинчидан, 1368 йили Хитойда мўғуллар ҳукмронлигига барҳам берилиб, ҳокимиятга Мин сулоласи келди ва улар ўзларини Чингизхоннинг вориси деб эълон қилдилар (Хитой элчиларининг Амир Темурдан бож талаб қилиб Самарқандга келганларини эслайлик). Зеро, Хитойнинг бу талабини рад этиш ёхуд унга қарши қўшин тортишдан аввал Чиғатой улуси ва Хулагухон улусини бирлаштириш, Олтин Ўрдани тинчитиш, қарам этиш лозим эдим. Соҳибқироннинг бетўхтов ҳарбий юришларидан бош мақсади ҳам шулар эди. Шу боис 1404 йили қаҳратон қиш кунларида Соҳибқирон кексалигига қарамай зулмк билан Хитойга юриш бошлаши ҳам тасодифий эмас эди. Афсус, умр вафо қилмади — Амир Темур Хитойга юришда йўлда (Утрор)да 1405 йилнинг 18 февралида тўсатдан вафот этди.

«Зафарнома» Амир Темурнинг вафоти ва Халил Султоннинг Самарқанд тахтини ноқонуний эгаллаши ва завол топиши воқеаларининг қисқа тарихи билан якунланади:

Тилинг тортгил, эй котиб ва бўл хамуш,
Неча қисса ўқуб қилурсен хуруш.
Демаким, жаҳондин бўлубтур ниҳон,
Темур ул шаҳаншоҳи соҳибқирон...

Табдилчилар Ашраф Аҳмад ва Ҳайдарбек Бобобекларнинг таъкидлашича, «Зафарнома» таржимони Муҳаммад Али ал-Бухорий китоб устида ишлаганда кекса ёшда бўлган. У асарни XVI асрга хос эски ўзбек тилида ўтирган бўлиб таржима тилида қарлуқ, қипчоқ, ўғуз лаҳжалари хусусиятлари сақланиб қолган бўлса-да, қарлуқ лаҳжаси хусусияти устун келади. Бу тил Заҳириддин Бобур тилига жуда ўхшайди. Таржиманинг тили — бу асар XVI аср биринчи чораги ўзбек насрининг йирик ва жонли намунаси сифатида ҳам ўз ҳолича сақлаб қолинган.

Аёнки, «Зафарнома»нинг форсча матнида араб ва форс шеърияти анъанаси давом эттирилиб, унда кўплаб шеърий сатрлар келтирилган. Шеърларнинг асосий қисмини Шарафуддин Али Йаздийнинг ўзлари ёзган, албатта. Муҳаммад Али ал-Бухорий бу шеърларнинг ҳаммасини таржимага киритмаган. Шу боис тушириб колдирилган шеърларни ва баъзи варақларни табдилчилар муътабар нусхаларга солиштириб, мазкур нусхада тиклаганлар. Китобга 1131 та изоҳ ва шунча кўрсаткич илова қилинган.

«Зафарнома»нинг мазкур нусхаси халқимиз маънавий мулкига айланиб қолишига шубҳа йўқ.

Худойкул ТЎРАЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
Ғуломхон ҳожи ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ ТАДБИР

Наманган шаҳрида «Касб-ҳунар таълими ўқув юртларида маиший хизмат соҳаларига ишчи кадрлар тайёрлаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» мавзусида Республика семинар-кенгаши ўтказилди. Семинар-кенгаш иштирокчилари Чуст, Чортоқ, Косонсой шаҳарлари касб-хунар лицейлари фаолияти билан танишишди. Улардаги амалга оширилган ва оширилаётган бир қатор ижобий ишларга гувоҳ бўлишди. Айниқса, Наманган туманидаги 13-касб-ҳунар мактаби ўқув моддий базасида шу йўналишда олиб борилаётган тадбирлар юқори баҳоланди.

Семинар-кенгашни вилоят ҳокими ўринбосари Д. Дадажонова кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Республика Халқ таълими муовини Х. Маъсудов, Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Х. Убайдуллаев, Самарқанд вилояти ўқув методика кабинети директори Ж. Раҳмонов, Чортоқ ҳунар лицейи директори М. Ғофуржонов ва бошқа қатнашувчилар ўз маърузалари билан ўртоқлашиб фикр-мулоҳазаларини айтишди. Иштирокчилар шу куни Наманган шаҳрида ташкил этилган касб-ҳунар муассасаларида таҳсил олаётган йигит қизларнинг кўргазмасини ҳам кўздан кечиришди.

Тадбир якунида семинар-кенгаш тавсияномаси қабул қилинди. Семинарда қатнашганларнинг ҳар бирлари ўз фикрларини ўртага ташлашди. Тадбир мунозараларга бой бўлди. Х. Маъсудов ўз маърузасида Наманган вилоятидаги бир қатор касб-ҳунар лицейлари фаолиятларига юқори баҳо берди. Шу билан бирга мавжуд камчиликлар ҳам бошқа маърузачилар томонидан таъкидланди. Семинар-кенгаш иштирокчилари бу тадбир айни пайтда уюштирилганлигини алоҳида айтиб ўтишди. Келгусида бу семинар-кенгаш анъанага айланиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Х. АБДУРАҲМОН.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ БОШЛАНҒИЧ ВАЗИФАЛАРИ

(Боши 1-бетда).

балар қабул қилинар эди. Негадир бундай саъй-ҳаракатлар сўнгги пайтлар йўқолиб кетди. Ўйлайманки, ўқувчилар ўртасида ўқитувчилик касбига қизиқиш, меҳр уйғотилса, сўнгра улар институтлар томон йўналтирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Дарвоқе, яна бир муҳим ўқув режалари масаласига диққатни жалб этишни истардим. Собиқ совет тузуми даврида ўқув режалари бир хилда тузилар ва методик тавсиянома билан таъминланар эди. Бу режа асосида ўқишга қабул қилинган талаба 4 йил давомида шу режа асосида ўқиб, институтни тугатиб кетар эди. Ўқув режасига йил давомида ўзгартириш киритиш қатъиян ман этиларди. Ҳафталик ўқиш соатлари 32—34 соатдан ошмас эди. **Ҳозирги бир ўқув йилида 1—2 марта режа ўзгаряпти.** Талабалар 1-курсда битта режа билан ўқишни бошлаган бўлса, 2-курсга кўчганда бошқа режага ўтади. Катта ўқув йили ўртасида режаларни ўзгартириш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Ундан ташқари, бир қанча 20—30 соатли мавзулар режадан ташқари буйруқлар асосида дарс жадвалига киритилмоқда. Натижада ҳафталик соатлар 40 соатдан ошиб кетмоқда, айрим ҳолларда эса бундан ҳам кўпаймоқда, биз-нингча, давлат ҳужжати бўлган ўқув режаларини бундай кўпол бузишлар яхши натижаларга олиб келмас.

Ўқув режасида талабаларнинг илмий дунёқарашини оширадиган фанлар (1-блокдаги фанлар) билан бир қаторда, асосан мутахассисликка оид фанлар ўз ўрнини топиши керак. Албатта, ҳаётда, айниқса, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида, билиш, хабардор бўлиш лозим бўлган мавзулар содир бўлиши табиий, бундай ҳолларда факультатив машғулотларидан фойдаланишни амалда қўллаш лозим. Негадир биз машғулотнинг бу турини сўнгги пайтлар четлаб ўтаяпмиз.

Битта ўқитувчининг бошланғич синфда ҳамма фанлардан дарс бериши бу ўқитувчидан универсал билимга эга бўлишни, бошланғич синфларда ўқитиладиган фанлар методикасини астойдил эгаллашни талаб этади. Бу эса ўз навбатида биринчидан, фанлараро боғланишни, ўқитишда интеграция принципига асосланишни тақозо этади. (Интеграция дейилганда бир фанни ўргатишда иккинчисидан ҳосил этилган билимларга суяниш, бошқа фанлар маълумотидан фойдаланиш демакдир). Иккинчидан, интеграция таълим вақтни иқтисод қилиш имкониятини беради. Шу билан бирга бошланғич синфда ўқитиладиган фанлар назариясини ва методикасини ўқитишга жиддий эътибор бериш заруратини пайдо қилади.

Кўп йиллик тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, педагогика билим юртлари педагогика институтларига қараганда юқорироқ даражадаги методик ва амалий тайёргарликни таъминлайди. Қолаверса, педагогика билим юртини битирганларнинг назарий жиҳатдан тайёргарлиги бўшроқ, улар янги технологияни, ўқитишнинг янги шаклларини яхши билишмайди, янгиликларни танқидий баҳолай олмайдилар. Маҳорат эгаллаш даражаси ҳам педбилим юртида ўқиганларда пединститутни битирганлардан кўра анча паст. Ташкилотчилик ишларида ҳам олий маълумотли ўқитувчининг устунликлари равшан кўриниб турибди.

Бошланғич мактабни олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминлаш педагогика институтларининг кундузги, сиртқи ва кечки бўлимлари зиммасига тушади, албатта. Шу билан бирга, бошланғич синф ўқитувчиларининг кўпчилиги педагогика билим юртини тамомлаб, пединститутнинг сиртқи бўлимида ўқиганлардир. Табиийки, педагогика билим юртларида ва педагогика институтларида таълим бериш орасидаги ўзаро боғлиқлик масаласи педбилим юртлари ўқитувчиларини ҳам, педагогика институти ўқитувчиларини ҳам баробар қизиқтиради.

Кейинги йилларда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар Халқ маорифи олдига қатор вазифалар ва муаммоларни келтириб қўймоқда. Аввало, бир ёқдан билимларнинг динамик равишда янгиланиб бориши, маълумотлар оқимининг кўпайиб бориши, иккинчи ёқдан, шу даражада талабга жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласи педагогик жамоани ташвишга солмоқда. Қолаверса, жамиятни демократиялаштириш, туб иқтисодий реформалар шароитида маданият, инсонпарварлик даражаларининг пастлиги сезилиб қоляпти, шу ва шу каби қатор объектив сабабларга кўра бошланғич мактаблар учун етук, замон руҳида тарбиялланган мутахассисларни тайёрлаш зарур.

Шу ўринда қишлоқ мактабларига нисбатан бўлган муносабатга диққатни қаратишни истардим. Хўш, қишлоқ мактабларининг ўзига хос хусусияти нимада? Бизнингча, бу аввало, қишлоқ мактаби ўқитувчиларининг қишлоқ хўжалик ишлари билан ортиқча банд бўлиши, қишлоқ мактабларининг моддий-техника базаси етарли эмаслиги, олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминланиши ҳийла оқсоқлигида кўринади. **Биз ҳанузгача талабаларни қишлоқ мактабларида ишлашга тайёрламаймиз.** Махсус фанларни ўқитиш жараёнида талабаларга қишлоқ мактабларининг ўзига хос томонларини тушунтириб боришга етарли эътибор берилмайди, биз талабаларни қишлоқ мактабларида ишлашга психологик тайёрламаймиз. Педагогик амалиётлар даврида ҳам талабалар қишлоқ мактабларини кўрмайдилар. Бундан хулоса шуки, педагогика, махсус методика курсларини ўқитишга қишлоқ мактаблари шароитини ҳисобга олиш зарур. Болалар билан якка-ма-якка ишлашга, уларни уй вазифалари билан ортиқча банд қилмаслик, ўқувчиларга билим бериш борасидаги барча оғирликни дарсга кўчириш каби масалаларни ҳисобга олиш иложи борича қишлоқ мактабларини кўргазма қуроллари, техник воситалар билан, ўқитувчиларни эса методик қўлланмалар билан таъминлаш жоиздир.

Қишлоқ шароитида фанларни ўқитишда дифференциал принципларига амал қилиш зарур бўлса фанлар методикаси дастуридан шу масалага бағишланган махсус курс, семинарлар учун вақт ажратишни ўйлаб кўриш маъқул бўлса керак.

Мана, республикамизда ягона узлуксиз таълим системаси яратилаётир. Бу тизимда бошланғич мактаб, бошланғич мактаблар учун етук мутахассисларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутмоқда. Умид қиламизки, юқорида зикр этилган муаммоларга ҳам жиддий эътибор берилиб, тезда бартараф этилади.

Раҳима МАВЛОНОВА,
педагогика фанлари доктори, профессор.

ХОТИРАЛАР БИЛАН ОВУНГАН АЁЛ

Азизахон ва Собиржонлар бундан 25 йиллар муқаддам бир-бирларини севишиб турмуш қургандилар.

Тақдирни қарангки, улар фақатгина 7 ойгина бирга яшашди. Бешафқат ўлим Собиржонни бевақт ўз бағрига олди.

Она қорнида Собиржондан қолган ёдгор ҳам яшамади.

Азизахон ҳамон Собирини эслаб яшайди, қайта-қайта эсдалик дафтарида битилган хотиралари билан овунади.!.

Мен — Азизахоннинг яқин дугонаси, Ҳакимжон Соатов ва Барот Ярашларнинг унга бағишланган шеърларини хотира ўрнида беришга қарор қилдим. Айни пайтда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Маърифат» студиясида олий тоифали режиссёр вазифасида ишлаётган Азизахон инсонлар қалбига эзгулик, маърифат тарқатишда чарчаш нималигини билмайди.

Муҳаббат РАСУЛОВА.

САДОҚАТ

Қанча сувлар оқди, ўтди-ку йиллар,
Паймонага тўлди армонли диллар.
Шашқатор кўз ёш-ла саналди кунлар.
Фақат Сиз ғамдамас, азобда тунлар.

Сиз ёлғиз эмассиз, ҳамроҳингиз тун,
Хаёлан кимдандир яширасиз сир.
Кўзингиз олдидан ўтади бир-бир.
Илк бора гул тутган ёрингиз Собир.

Қандай тушунтирай бу айрилиқни,
Вақтидан илгари тўлди паймона.
Севги шаробига тўймасдан туриб,
Ўлимни эслатар совуқ остона.

У йўқ энди, бироқ хаёлда тирик,
Кўзларда ёш тугаб, намланар киприк.
Илоҳий бир кучдир сиздаги бардош,
Балки ундан бошқа бўлмас ёстиқдош.

Садоқат рамзисиз, муҳаббат рамзи.
Сизга бош эгаман, қиламан таъзим.
Бу садоқат ростдир, эмасдир хаёл,
Замонам Зуҳроси, муҳтарам аёл...

Ҳакимжон СОАТОВ.

СЕВИМЛИ АЁЛ

Сизни қўмсаб, сизни соғиниб,
Пойингизга бош урар хаёл.
Ахир сиз-ку садоқат сатрин
Юрагига жойлаган аёл...

Қайтмас бўлиб кетган ёрини,
Қайтар дея умидвор кутган.
Садоқатнинг дастрўмолини
Ёримга деб кўксида тутган.

Сиз шундайин соҳиби дилсиз,
Дил тахтидан ёрга берган жой.
Севганим деб, севилганим деб,
Бош устида порлаб турган ой.

Барот ЯРАШ.

Kechinma

«ТАҚДИРИНГНИ ЁЗОЛМАЙМАН»

Мен санъаткор аёлман, оилам, кўзимнинг оқу қораси — икки фарзандим бор. Ўғлим етти ёшда, қизим олти ёшда.

Бу воқеа бундан 5 йил олдин, Фарғонада яшаб юрган вақтимда содир бўлган эди. Қизим ёшлиги сабабли болалар боғчасига кўникиши жуда қийин бўлди. Уйдан боғчага чопаман, боғчадан ишга, яъни севимли ишхонам театрга, театрдан боғчага, боғчадан яна уйга, деярли куним йўлда ўтарди. Театрдан бош бўлдим дегунча боғчага югураман, қизим овқатини ея олдими йўқми, остини ҳўллаб қўйдими, уйқуси келмаса ҳам боғча опаларидан қўрқиб, юраги ҳапқириб кўрпачасига ўралиб бўғилиб қолдими, краватчасидан полга ағанаб кетдими, хуллас, минг хил хаёллар. Фақат, дилимга биргина сўз таскин берарди. Йўқ, ахир тарбиячилар ҳам аёллар-ку, уларнинг ҳам фарзандлари бордир, улар ҳам мусулмон-ку.

Минг бир хаёллардан толиқсам-да, ўз ҳаётимдан, касбимдан нолимасдим. Шундай кунларнинг бирида дўконга кирдим. Эрталаб ўғлимнинг «Ойи, конфет обкелинг» дегани ёдимга тушиб, чиройли қоғозли конфетдан олдим. Ишдан эртароқ қайтаётганлигим сабабли руҳим тетик эди. Болаларимни эртароқ уйга олиб кетаман. Автобус бекатига озгина қолганда, бир қизалоқнинг чинқириб йиғлагани эшитилди, жуда қаттиқ йиқилибди, қўлчалари тирналганди. Ойиси уни овутиш учун силарди, сийпарди, «жоним қизим бўлди, йиғламагин, ҳозир у олиб бераман, бу олиб бераман...»

Қизчасининг озорланиб йиғлашига юрагим ачишиб кетганидан тезроқ кўндириш ниятида икки дона конфет узатдим. Қизалоқ қўлчасини энди узатаётган эди, шу вақт ойиси менга бош-оёқ разм солиб «сизни ким чақирди» деди-да, қизчасини бағрига босиб мендан узоқроққа олиб кетди. Беихтиёр унинг қизчасига узатган насибам қўлларимдан тушиб кетди. Мени ҳеч ким кузатаётгани йўқмикин, деб атрофга қарадим, йўқ... ҳамма ўз йўлида, лекин шу икки дона конфетни ердан қайтиб ололмадим. Бу аёлнинг қилган ишидан дилимда оғриқ қолди.

Шу ўринда диққатингизни ўзим шоҳиди бўлган яна бир воқеага қаратмоқчиман. Пойтахтдаги Муқимий театрида ишлаб юрган кезларимда, болаларга Янги йил томошаси кўрсатдик. Томоша 12 кун давом этди. Ота-оналар ўзлари билан биргаликда болаларини олиб келишган, уларга ҳар хил совғалар олиб беришган, хуллас, хурсандчилик. Театрга келган болаларнинг ҳам, биз санъаткорларнинг ҳам кайфиятимиз яхши эди.

Байрам томошаси тугашига 2 кун қолганда, ҳозир аниқ эслай олмайман, қайсидир болалар уйининг тарбияланувчилари томошага келишди. Шу кунги ҳолатимни сўз билан ифодалашим жуда қийин.

Дастуримиз бўйича қуёнча бўлиб болалар орасига яширинишим керак эди. Мен бу болаларнинг орасига яширинганимда, ҳар кунги қувноқ, икки юзлари қип-қизил, ҳарорати, кўзлари шўх болаларни эмас, қўллари муздек, кўзлари мунгли «сизлар нима қилаяпсизлар» дея савол назари билан қараб турган гуноҳсиз норасидалар орасида эдим. Шу куни ҳар кунги спектакль намойиш этилди, ҳар кунги мусиқа янгради, ҳар кунги совғалар улашилди. Қорбобомиз ширинликларини болаларнинг устидан сочди... Лекин уларнинг мунгли кўзларида бир киприк очиб-юмгунчалик шодликни кўрмадим. Уларни хурсанд қилиш учун сочилган ширинликлар менинг кўксимга оғир тошлар отилаётгандек зарба берарди. Уларнинг мунгли нигоҳларига дош беролмаган қалбимда шу сўзлар беихтиёр такрорланаверди. Ўлсин... Ўлсин... Яратганинг отанг ўлсин. Сени туғмай онанг ўлсин. Ички туғёним юрагимдан сатрларга кўчаверди.

Етимгинам, қорачиғинг ёшга эмас,нурга тўлсин,
Мурғак қалбинг қийналса-да, сўнг ҳаётинг гулга тўлсин.
Пешонангда етим деган тамғачалар ёнсин, куйсин,
Яратганинг отанг ўлсин, сени туғмай онанг ўлсин.
Аламли ёш, аччиқ фарёд, тозагина булоқларим,
Мунгли уйда нурсиз ёнган менинг қора чироқларим,
Юрагимни парчалайман, қонга тўла тирноқларим,
Етим деган тамғачани, ким улашган, сўроқларим.
Тирик етим яратганнинг водариғо, куни битсин,
Етимгинам кўз ёшлари дарё бўлиб уни ютсин,
Бу дунёдан роҳат кўрмай, фароғатсиз, куйиб ўтсин.
Тангрим ўзи тош кўксига кўрғошинлар қуйиб кетсин.
Инсон эмас, сен гўдакни бир ёсуман туғдими-ей!
Гўдакликдан қора қисмат панжалари бўғдими-ей,
Ота —армон, она — армон... кўнгиллари тўлдими-ей.
Бебахтгинам, тақдирингни ёзолмайман, бўлдими-ей, бўлдими-ей.

Шу куни қизалоғини бағрига босиб, мендан қизғанган нотаниш фарғоналик синглимни эсладим. Унга яратгандан узоқ умр тиладим. Кўнглимдан: «Сендек фарзандини бағрига босиб еру кўкка ишонмайдиган аёл зоти бор учун, бағри кенг, иймони бут, фарзанди учун ўзини ўтга, чўққа урувчи шижоатли, ориятли эркаклар борлиги учун бу ҳаёт давом этаверади», — деган фикрлар кечди.

СУЛХИДА.

САЁҲАТ САБОҒИ

У Ўзбекистон ўзининг Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қўқон шаҳарларидаги тарихий обидалари билан машҳур. Биз халқимиз маданияти ва юксак маънавиятининг исботлари бўлмиш меъморчилик санъати намуналари билан танишиш мақсадида Самарқанд шаҳрида бўлиб қайтдик. Саёҳат мобайнида Мирзо Улуғбек расадхонасида, Шоҳизинда, Гўри Амир мақбараларида, Регистонда бўлдик. Бу меъморчилик обидалари ҳаммамизда катта таассурот қолдирди. Уларда биз тарихда номлари абадий қолган боболаримизнинг қиёфаларини, орзу умидларини қайта кўргандай бўлдик. Саёҳатдан қайтар эканмиз бу гўзал шаҳарга яна бир бор ташриф буюришни ният қилдик.

Дилдора АЛИҚУЛОВА,
Миробод тумани 294-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 17-ҳунар лицейи жамоаси-ўқитувчилару талабалари спортга алоҳида иштиёқ билан қарашади. Шу боисми, уларнинг бўш вақтлари ҳамиша спорт майдончаларида кечади. Жисмоний тарбия дарслари эса лицей ёшларининг энг кўнгилли кечадиган дамларидир. Зеро, суратларда муҳрланган лаҳзалар ҳам шундан далолат бериб турибди.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Xullas...

ТАМАКИ ТАРИХИДАН ТАРИҚЧА...

Тамакини Оврўпага биринчи бўлиб денгиз сайёҳи Магеллан Кубадан келтирган. Бу оролнинг туб аҳолиси ўша пайтлар тамакининг қуритилган узун баргларини найча шаклида ўраб ҳузур билан тутатганлар. Оврўпада эса, аввалига, махсус қутиларга солиб ҳидлаб, сунгра чайнаб юришган экан. Гажакдор трубкаларга солиб тутатиш эса энг олдин Англияда русум бўлган. Дарвоқе, биз бу маълумотларни Қўйлиқ бозоридаги машҳур носфуруш носвой ўраш учун тахлаб қўйган эски бир китобнинг ғижим бир варағидан уқиб олдик.

ЎЛДИРСА ҲАМ ЧИМИЛДИҚ ЎЛДИРСИН

Кўп хотинлик шарқ подшоҳларига хос «эркалик»лардан саналади. Бироқ бундай арзандалар оддий фуқаролар орасида ҳам учраб турар экан. Тағин ғарблик биродарлардан эканлагини айтмайсизми?

Англиянинг Блит шаҳрида яшовчи руҳоний Глинн Вулф умри давомида 27 та хотин олган. У биринчи жуфти ҳалолини 1927 йили 19 ёшида, энг кенжа янгамизни эса 1970 йили ўз никоҳига олган. Қизиғи шундаки, айни кунда бу ғаройиб оиланинг барчаси ҳаёт экан. Айтишларича, тўқсон ёшли Глинн бобо 28-чимилдиққа номзод излаб юрган эмиш.

ҚОРИН БАЛОСИДАН ҚУТҚАРСИН

Ички ишлар органларида хизмат қилиш учун фақатгина ёши 25 дан ўтмаган, бўйи 180 сантиметрдан паст бўлмаган, энг муҳими, бел доираси 86 сантиметрдан ошмаган хуш бичим, хуш қомат қирчиллама йигитлар қабул қилинади. Қабулдан сунг ҳам бу азаматлар ўз қадди-бастининг талаб даражасида сақланиб туришлари учун тиришишга мажбурдирлар. Худо кўрсатмасин, ходим семириш балосига йўлиқиб, қорин қўйиб юборадиган бўлса, унга яна ўз ҳолига қайтиш учун олти ой муддат берилади. Шу муддат ичида қадрдон қорин билан хайрлашмаса, сердаромад хизматга алвидо айтишга тўғри келади.

Бу ажойиб қоида Покистон ички ишлар вазирлиги томонидан йигирма йил аввал жорий этилган (Бизнинг мелесалар ҳозирча хотиржам хизматни давом эттираверишсин...)

ana shunaqa gaplar

Sport

РЕСПУБЛИКА IV СПАРТАКИАДАСИ

ГИЛАМДА ЁШ ПОЛВОНЛАР

Узбекистон Республика Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мактаб ўқувчилари ва ҳунар билим юртларининг талабалари ўртасида спортнинг 20 тури бўйича республика IV спартакиадаси мусобақалари бошланди. Мазкур мусобақаларда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри командалари ўртасида қизғин курашлар бўлиши шубҳасиз. Спартакиада беллашувлари республикамизнинг Бухоро, Урганч, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Ангрен, Гулистон, Фарғона, Қарши, Чирчиқ, Чуст, Навоий, Наманган шаҳарларида утказилади.

Урганч шаҳридаги ҳашаматли спорт залига тўпланган кўплаб эркин кураш ишқибозлари 28-31 март кунлари ёш полвонларнинг ҳаяжонли беллашувларига гувоҳ бўлишди.

Мусобақанинг тантанали очилишида Хоразм вилояти ҳокимининг муовини Т. Дусчонов, «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий Кенгаши раиси М. Ҳайдаров, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М. Жуманиёзовлар сўзга чиқишиб, ёш спортчиларни қизғин кутлашди.

Ёш полвонлар беллашувида Тошкент вилоятидан М. Абдураҳмонов (52 кг), Э. Тожиматов (57 кг), Р. Ҳолдоров (69 кг), Самарқанд вилоятидан В. Чернов (42 кг), Ж. Юсупов (95 кг), шунингдек, Тошкент шаҳридан Д. Қосимов ва К. Казаков (45 кг), Жиззахдан Ж. Муродов (63 кг) ва О. Пардақулов (76 кг) спартакиада чемпионлари бўлишди.

Эркин кураш мусобақалари якунига кўра команда ҳисобида 252 балл тўплаган Тошкент вилояти жамоаси биринчи, 236 балл тўплаган Самарқанд вилояти жамоаси иккинчи, 200 балл тўплаган Хоразм вилояти жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларга Халқ таълими вазирлиги, «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгашининг диплом ва фахрий ёрлиқлари, Хоразм вилояти ҳокимияти, шунингдек, ҳомийлардан «Жанубжўқурилиш», (В. Юсупов) вилоятгаз (К. Ҳайтов), «Аму — Ладо» фирмаси (А. Қутлиев) томонидан қимматли совғалар топширилди.

Ғ. МАННОПОВ.

Faxriylarimiz

ФИДОЙИ ЖУРНАЛИСТ

Етмиш тўрт йиллик умрининг сал кам қирқ йилини газетачиликка бағишлаган, ёзнинг жазирама иссиғи-ю, қишнинг қировли, кўкламнинг ёмғирли кунларида гоҳ пиёда, гоҳ юк машиналарида қишлоқ мактабларига елиб-югурган заҳматкаш инсон, кўплаб зиёли қаламкаш журналистларнинг устози, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» Зайниддин ака Баҳриев яқинда 75 баҳорни қаршилади. Устоз ҳали бардам.

Зайниддин аканинг ҳаёт йўли кўпчилик инсонлар учун ибрат бўларлидир. У 16 ёшида Самарқанд вилоятининг Тойлоқ тумани мактабларида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида иш бошлаган. Устознинг айтишларича, Самарқанддаги ҳозирги 2-сон педагогика билим юртида ўқиб юрган (1936-1939) йилларда «Ёшлар овози» деворий газетасига муҳаррирлик қилган. Билим юртининг «Ёш мухбирлар» тўгараги раҳбари Михаил Чўлпаев ҳамда билим юртининг жуғрофия ўқитувчиси Қамариддин Шамсиевнинг мухбирликка қизиқтирганликларини мамнуният билан тилга олади.

У 19 ёшида фронтга отланади. Шимолий Кавказдаги Моздок шаҳридан Берлингача мингминглаб азобли километрларни босиб ўтди. Берлинни ишғол қилишда қатнашди. Қанчадан-қанча қуролдош дўстларини йўқотди. Ниҳоят 1946 йилда Самарқандга (II гуруҳ) ногирон бўлиб қайтди.

«Мен, — деб ҳикоя қилади Зайниддин ака, — 1956 йилнинг 20 августида «Ўқитувчилар газетаси» мухбирлигига тайинлангандим. Ўша пайтда мени ишга қабул қилган муҳаррир, раҳматли Ҳамидулло Кўрикбоевнинг табассум билан қуллагани ва далда бергани ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди, қолаверса, бу давр мен учун олтин давр эди!!».

Зайниддин аканинг Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро вилоятларида қадамлари етмаган мактаб бўлмаса керак, қирқ бир йиллик сафарларда қаерларда бўлмаган дейсиз. Устозим Зайниддин ака Ургут, Каттақўрғон, Қўшработ, Самарқанд, Оқдарё, Иштихон туманларида ва Самарқанд шаҳрида ўқитувчиларнинг дарсларини биргаликда кузатганмиз. Зайниддин ака яқин-яқингача Самарқанд шаҳридаги А. Навоий номли 10-ўрта мактабда тарих ва жамиятшуносликдан дарс ҳам бериб келди. Бу мактабда таълим олган академиклар — Акбар Отахўжаев, Воҳид Абдуллаевлар узларининг табрик дастхатларида бу инсон ҳақида илиқ сўзлар ёзиб қолдирганлар. Ҳозирги кунда Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Илҳом Рашидов, Ўзбекистон Олий Мажлис депутатлари, Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров, Самарқанд тумани ҳокими Раҳима Ҳакимовалар устознинг содиқ шогирдларидирлар. У халқ маориф ишини, ўқитувчилик касбининг нозик томонларини яхши билгани учун ҳам жойларда катта обрў-эътибор қозонган. Одамийлик, меҳр-оқибат ҳақида сўз кетадиган бўлса, унинг кўпчиликка ибратли томонларини айтиб ўтиш жоиздир.

Сиёб бозорига яқин жойда, Булунғур кўчасидаги торгина хонадондан ҳамиша меҳмон аримайди. У ўз уйида Мирзакалон Исмоилий, Миртемир, Садриддин Айний, Адҳам Раҳмат, Фоттеҳ Ниёзий, Наби Юсуфий каби адиблар билан суҳбат қуришганини мароқ билан эслайди.

Биз Зайниддин акани барча дўсту-шогирдлари номидан 75 баҳорни қарши олаётганлиги билан самимий кутлаймиз, мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилаймиз.

Ҳабиб ТЕМИРОВ.

Adab

МЕҲРГА МЕҲР ҚАЙТАДИ...

Йигирма олти йилдан буён боғчада тарбиячи бўлиб ишлаб келяпман. Болаларни азбаройи севганимдан, ўз касбимнинг барча сир-асрорини эринмай ўрганишга ҳаракат қиламан.

Албатта, ёш гўдакнинг илк тарбия мактаби — бу она қучоғида кечади. Бошлангич ўгитлар нақадар мукаммал бўлса, шунга қараб боғчадаги тарбия анча енгил кечади. Дунёга эндигина келган чақалоқнинг кўнгли имом Ғаззолий айтганича, «ҳар турли нақшлардан бўш бўлган бир нафис жавҳардирки, у нақш қилинса бўладир ва қайси ёққа тортсанг, ўша ёққа тортиладир».

Ота-она ҳамда боғча тарбияси орасида узвий боғланиш бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса гўдакка ота-она ибрат бўлмоғи, тарбиячи тарбияланган бўлиши шарт. Айни кунларда боғчамизда болалар маънавиятини ўстириш сабоқларини йўлга қўйганмиз. Боғчага республика кўғирчоқ театрини тез-тез таклиф қилиб турамиз. Ҳаммамизга маълумки, ёш бола дунёси табиатга жуда яқин бўлади. Улар ҳайвонларни яхши кўришади. Айниқса, улар ҳақидаги эртаклар ҳар бир болани қизиқтиради. Шунинг учун ҳам болалар билан ўтказилган машғулотларда тарбиячиларимиз «Айиқ полвон билан Асалари», «Сеҳргар чол ва Бўри», «Меҳрибон мушук ва Сичқон» эртакларини ҳар бир гуруҳ кичкинтойлари ёшига мос тарзда, содда саҳна кўринишида тарзида айтиб беришади. Шу аснода секин-асталик билан болалар кўнглида одамларга, табиатга бўлган меҳр, ҳалоллик, ростгўйлик каби хислатлар шакллантирилиб борилади.

Аввало болани келажакда комил инсон бўлишини хоҳласак, уни ёмон йўллардан асраб, эзгу ишларга қизиқтиришимиз лозим. Бунинг учун унинг олдида намоқул қилиқлар қилмаслик, уят, қўпол сўзлар билан нозик юрагида аянч ва қасос ўтини ёқмаслик керак. Одамларга ёмонлик қилмасликка, қўлдан келганча яхшилик қилишга ўргатмоқ даркор. Бунинг учун бизга тайёр қўлланма «Ўзбек халқ эртаклари» ёрдам бериши мумкин. Унданда зарури эса ўзимизнинг шахсий ибратимиз. Негаки, болалар ҳамиша катталарга тақлид қиладилар. Тарбиячининг илк вазифаси болдаги шу майлга ҳушёрлик билан жавоб беришдир. Зеро, қўпол, ярамас одатли тарбиячининг тарбияси нима бўларди? Болаларга қурук насиҳатнинг ўзи таъсир қилмайди. Яхши деган нарсани амалда кўрсатиб, болаларни ишонтирмоқ керак.

Биз шу мақсадларни кўзлаб, «Бувижонлар даврасида», «Нима эксанг, шуни ўрасан», «Фарзанд — оила умрининг давоми» каби ота-оналар, болалар ҳамда тарбиячилар иштирокидаги кечаларни уюштирдик. Натижа ёмон бўлмади. Айниқса, «Бувижонлар даврасида» кечаси серфайз ўтди. Унда ўзининг ўгитлари, бола тарбиясига оид насиҳатларини тажрибали онахонларимиз тарбиячиларимиз билан ўртоқлашдилар. Ўша кечада ҳар бир эртакда ўз ўрнида, қўргазмали қурол сифатида фойдаланишимизни онахонлар ҳам қуватлашди. Маълум бўлдики, эртаклар таъсирида ўсган ҳар бир боланинг қалбида эзгулик уруғлари пайдо бўлган. Болага ёлғоннинг ярамас одатлигини тушунтириб, унга «Ёлғончининг жазоси» эртагини ложи борича, ролга кириб, кўрсатиб бериш керак. Токи, бола ёлғон ёмон иллат эканлигини ҳис этсин. Худди шунингдек, бошқа хислатларнинг яхши-ёмон томонини эртаклар орқали кўрсатиб ўтиш мумкин.

Болалар уйинига чуқур эътибор билан қараш ҳам уларни тўғри йўлга бошлашда асқотади. Болалар уйинида ихтиёрсиз донишмандлик бўлади. Болани уйинга ўргата билиш маҳорати унга олам сирларини мутолаага қараганда кенгроқ ва ишончлироқ намоён этади. Уйин жараёнида бола ҳамма қўғирчоқларни авайлаб, жонли зотга муомала қилгандай ўйнаса, демак, болада меҳр куртаклари, қадрлаш туйғулари пайдо бўла бошлаганидан дарак. Тарбиячи болага дўстидек ҳурмат билан муомала қилиши керак. Болада юракнинг кўзи ўткир бўлади. У ўзига керакли нарсани дарров топиб олади.

Шу ўринда бир ҳикоятни келтирмоққа жазм қилдим:

Бир одам келиб, Расули акрамдан сўради:

— Ё Расулуллоҳ! Сиз болаларни упасизми?

Расули Акрам:

— Албатта, болаларимизни севамиз. Сиз-чи? — дедилар.

Ул одам:

— Биз болаларимизни ҳеч ўпмаймиз, — деди.

Пайғамбаримиз ул одамга қараб, бундай дедилар:

— Марҳамат этмаган, меҳр кўрсатмаган кимсага марҳамат бўлмайди, меҳр кўрсатилмайди.

Ҳалима ДЎСТМУҲАММЕДОВА,
Тошкент шаҳридаги 461-болалар боғчасининг бош тарбиячиси.

ЭЪЛОН

Узун туманидаги 4-ўрта мактабда ишлаб кетган ўқитувчилар ва собиқ битирувчиларни 1997 йил 3 май куни соат 8.00 да бошланадиган мактабнинг 60 йиллик тўйига таклиф этамиз.

Ташкилий қўмита мактаб маъмурияти.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим Марказ жамоаси ва касаба уюшмаси Бош ҳисобчи Хосият Хўжаевага турмуш ўртоғи Тўрабек ҚУРБОНБЕКОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Улуғбек ОДИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0229.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6